10 АПР 1984

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 81 (5372).
9 АПРЕЛЬ 1984 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил
1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ПРАВДА САҲИФАЛАРИДА

● К. У. Черненконинг «Правда» газетаси саволларига жаваблари эълон қилинган.

● СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Иттифоқи ва Ироқ Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг ўн икки йиллиги муносабати билан Ироқ Республикаси революцион қўмондонлиги кенгашининг Раиси ва Республика Президенти С. Хусайнга табрик телеграммаси йўлладилар.

С. Хусайннинг ана шу сана муносабати билан совет раҳбарларига йўллаган телеграммасида қизғин табрик ва яхши истаклар баён этилади.

«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи республикамизда чигит экиш мавсуми бошланаётган ҳозирги кунларда пахтакорларимиз учун кўплаб кенг қаторли аниқ чигит экиш сеялкалари тайёрламоқда. Корхонада айниқса йилнинг биринчи кварталидаги меҳнат натижалари самарали бўлди.

СУРАТДА: бирлашма тайёр маҳсулот жўнатиш бригадасининг илғор ишчиларидан Б. Худойқулов ва К. Йўлдошевлар сеялкаларни буюртмачиларга жўнатиш тараддудида. М. Нуриддинов фотоси.

Планга қўшимча 30 минг сўм

Шаҳримиздаги Ўзбекистон ССР савдо министрлигига қарашли «Узторгоборудование» комбинати ишчи ва хизматчилари ҳам республикамиз юбилейини муносиб совғалар билан кутиб олмоқдалар. Комбинатнинг илғор цехларидан бири бўлган типография цехи I квартал планини 20 мартда 103 процент қилиб адо этди.

Социалистик мусобақани авж олдириб ишлаётган В. Светунков бошлиқ цех илғорлари I квартал охиригача яна планга қўшимча 30 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарадилар.

● Беш йиллик вахтасида

УНУМДОРЛИК ОШАДИ

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1983 йил) Пленуми қарорларига жавобан меҳнат унумдорлигини планга қўшимча равишда бир процент ошириш, маҳсулот таннархини эса 0,5 процент камайтириш учун ишлаб чиқаришдаги барча имкониятлардан самарали фойдаланмоқда. Корхонанинг 1-тажриба цехи, учинчи ҳамда ўнинчи цехлар коллективлари эришаётган муваффақиятлар, айниқса қувончли бўлмоқда.

Учинчи тикув цехининг А. Арутюнова бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси ҳозирги кунда юксак уюшқоқлик билан меҳнат қилиб, планда белгиланганидан кўп маҳсулот ишлаб чиқаришга эришяпти. Бу бригада тикувчилари қуёшли диёримизнинг шонли 60 йиллик юбилейини йиллик план-топшириқларни бажариш билан кутиб олишга аҳд қилишган.

Коммунист тикувчи Н. Христунова бошлиқ бригада чеварлари ҳам юбилей шарафига ташкил қилинган социалистик мусобақада фаол иштирок этишмоқда. Г. Низомова, Н. Мельникова, В. Олимова, Т. Юнусова, А. Совосткина сингари чеварларнинг фидокорлиги туфайли бригада ўзига бириктилган топшириқни ортиғи билан бажариб, планддан ташқари 10—15 тадан бежирим костюм тайёрлаяпти. Бу йил корхона бўйича 60 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрланади. Учинчи цех коллективи ана шу масъулиятли марраға ўз ҳиссасини қўшиш учун астойдил курашмоқда.

3000 ТА КОМПРЕССОР

БУГУН

«Компрессор» заводи коллективининг йил бошидан бери тайёрлаган компрессорлари салкам 3 мингтага етди. Бу биринчи квартал планида белгиланганидан анча кўпдир. Корхонанинг А. Стасюк, А. Королев бошлиқ комплекслашган бригадалари, айниқса юксак суръат билан меҳнат қилишди.

Юбилей йилида компрессорсозлар 8.280 дан ортиқ машинани буюртмачиларга етказиб беришади. Бу миқдорнинг мингга яқини меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига тайёрланади. 250 тадан зиёд агрегат эса хорижий мамлакатларга жўнатилади. Айни пайтда корхонада тайёрланаётган компрессорларнинг 70 проценти фахрли беш қиррали белги билан муҳрлангандир.

Идеология ишлари кундалиги

ТИНГЛОВЧИЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Партия, комсомол ўқуви ва иқтисодий таълим шахобчаларида ўқув жараёни, пропаганданинг оммавий формалари тобора такомиллашиб бормоқда. Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти лекция пропагандаси системасида тингловчиларнинг ҳар хил категориялари, қизиқиш ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб, тингловчиларнинг паспортини ишлаб чиқди. Унда ташкилот номи, халқ хўжалиги соҳаси, тингловчиларнинг сони ва адреслари, бошқа маълумотлар ёзилади. Ҳатто лекция ўқиладиган бино тўғрисида маълумотлар бор. Ўтказиладиган тадбирлар номма-ном қайд этилган.

Бу ҳар бир меҳнат коллективида тематик йўналишни аниқ белгилаш ва лекция пропагандасини конкретлаштириш имконини беради. Корхоналар, ташкилотлар, районлар, шаҳарлар бўйича тингловчиларнинг паспортлари йиғма маълумотларига қараб, лекциялар ўқиш бўйича корхоналар, ташкилотлар билан шартномалар тузилади. Тингловчилар состави, уларнинг категорияси, лекцияни кимлар ўқиши ва бошқалар ҳақида аниқ маълумотлар лекция ишини янада такомиллаштириш, лектор кадрларни тайёрлаш бўйича муҳим тадбирлар ишлаб чиқиш имконини беради.

ЯНГИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

«Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг партия комитети иқтисодий эксперимент шароитида 1984 йил план ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаришни идеологик жиҳатидан таъминлаш масаласини муҳокама этди.

Партком секретари А. Стражков, касаба союз комитетининг раиси М. Юрченко ва бошқалар корхона идеология активистлари олдида турган вазифаларга тўхталдилар.

Йиғилишда бирлашма цехларидаги стендларни, кўргазма-агитация воситаларини янгилаш, корхона территориясини безатиш, коллектив ўртасида идеологик, оммавий-сиёсий ишларни янада кучайтириш тадбирлари белгиланди.

ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРГА ЭЪТИБОР

Ҳамза район партия комитети ҳузуридаги район ётоқхоналар советининг ун заводида сайёр йиғилиши ўтказилди. Бу ерда корхона ётоқхоналарида олиб борилаётган тарбиявий ва оммавий-маданий ишлар таҳлил этилди. Корхона ишчи-хизматчилари учун қулай шарт-шароитлар яратиб бериш масаласига эътибор қаратилди.

Йиғилишда район турли хизмат кўрсатиш соҳаларининг вакиллари қатнашди, уларга ётоқхоналарда ишчи ва хизматчиларга намунали хизмат кўрсатиш вазифаси топширилди.

РЕКОНСТРУКЦИЯ АСОСИДА

«Узремшина» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Тошкент шина ремонт заводи коллективи ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилини меҳнат натижалари билан якунлади. Корхонада беш йилликнинг тўртинчи йили дастлабки квартали ҳам муваффақиятли бўлди. Йил бошидан бери буюртмачиларга 485 минг сўмликка яқин маҳсулот етказиб берилди. Бу пландагидан 5 минг сўмлик кўпдир.

Корхонада ўн биринчи беш йиллик бошидан бери ишлаб чиқаришни тўхтатмаган ҳолда реконструкциялаш, эскирган станок ва аппаратларни янгиси билан алмаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, резина-техника участкаси реконструкция қилинди, вулканизация участкасига Чехословакиядан келтирилган янги вулканизаторлар ўрнатилди, Ҳозир компрессор участкаси реконструкция қилинмоқда. Бу тадбирлар ўз навбатида меҳнат унумдорлигини ошириш, буюмлар сифатини янада яхшилаш учун шароит яратяпти.

Коллектив бу йил 1.929 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ёки 65 мингта автомашинани сифатли ремонтдан чиқариш, талай миқдорда эҳтиёт қисмлар тайёрлаш учун курашмоқда. Шу кунларда ҳар куни конвейердан 320—330 та юқори сифатли шина тушириб олиняпти.

Коллективда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига давом этаётган социалистик мусобақада прессловчи У. Муқимжонов, жилвирловчи Н. Ҳикматов, вулканизатор Х. Туёқов каби ишчилар пешқадамлик қилиб, смена топшириқларини 115—120 процентга етказиб адо этишяпти. Бу ишчилар КПСС Марказий Комитети декабрь (1983 йил) Пленуми қарорларига жавобан ўз иш жойларида меҳнат унумдорлигини планга қўшимча бир процентдан ортиққа ошириш, маҳсулот таннархини 0,5 процентга арзонлаштириш мажбуриятини олишган.

«БУЮК ПОЧИН» АНЪАНАЛАРИГА САДОҚАТ

3. ОКТЯБРЬ РАЙОНИ

ЮКСАК МЕҲНАТ АКТИВЛИГИ

О. РАСУЛОВ,
Октябрь район партия комитетининг биринчи секретари.

—Октябрь райони меҳнат коллективлари В. И. Ленин туғилган куннинг 114 йиллигини катта умумхалқ байрами сифатида кутиб олаяптилар. Бу шонли сана шарафига оширилган мажбуриятлар қабул қилинди.

Шу кунларда корхона ва ташкилотлардан зарбдор байрамолди вахтасидаги муваффақиятлар ҳақида келаётган рапортлар район коллективларининг юксак меҳнат ва сиёсий кўтаринкилигидан, уларнинг Ильич туғилган кунни жамоат ишлаб чиқаришини ривожлантиришда янги ютуқлар билан нишонлашга зўр бериб интилаётганликларидан далолат беради.

Ленинча коммунистик шанбаликка пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Барча корхона ва ташкилотларда митинг ва йиғилишлар бўлиб, уларда москваликлар ва Тошкентдаги илғор коллективларнинг апрелнинг учинчи шанбасида меҳнат байрами ўтказиш, ишлаб топилган маблағни беш йиллик фондига топшириш бўйича ташаббуслари қизғин қўллаб-қувватланди.

21 апрелдаги коммунистик шанбаликда 173 корхона, ташкилот, министрлик ва идораларнинг юз мингдан ортиқ ходими қатнашади. Маҳаллаларда ҳам шанбалик оммавий тус олади. Районни ободонлаштиришда 33 минг студент ва ўқувчи иштирок этади.

Саноатда 17.800 киши ўз иш жойларида меҳнат қилади, 995 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш, шулардан 103 минг сўмлигини тежалган материаллар ва хом ашёдан тайёрлаш белгиланди. Ўн биринчи беш йиллик фондига 37,8 минг сўм ўтказилади.

Қурувчиларнинг ҳам режалари катта. 6500 киши бевосита иш жойларида меҳнат қилиб, 235,3 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширади.

Ободонлаштириш бўйича ишларни амалга оширишга алоҳида эътибор берилади. Ўзига хослиги ва территориясининг катталиги ҳисобга олиниб, район 19 микроучасткага, 87 объектга бўлинди. Бу микроучасткалар ва объектлар ташкилотлар, корхоналар, министрликлар, идоралар, 58 маҳалла комитетига бириктирилди. 310 автомашина, 15 бульдозер, 12 грейдер, 14 экскаватор, 6 автокран ва барча зарур асбоб-ускуналар тайёр ҳолга келтирилади.

Район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари меҳнат байрамини идеологик таъминлашга катта аҳамият беришяпти. Босмахонада босилган рангли мурожаатлар, чақириқлар тайёрланмоқда, асосий ишлаб чиқаришдаги ишчилар учун қизил йўли бор махсус коржомалар тайёрланмоқда. Барча корхона ва ташкилотларда шанбалик қандай ўтиши белгиланмоқда. Шанбалик бошланиши олдидан барча коллективларда митинглар бўлади. Шанбаликнинг ўтиши деворий газеталарда, «Чақмоқ»ларда, радио тармоқлари орқали кенг ёритилади. Шанбалик ниҳоясида шу куни юксак унумли меҳнат қилган кишиларни рағбатлантириш мақсадида йиғилишлар бўлади.

Район ижроия комитети маданият бўлими томонидан шанбалик қатнашчиларига маданий хизмат кўрсатиш бўйича тадбирлар тузиб чиқилди. Корхоналарда, ташкилотларда бадиий ҳаваскорлик коллективлари концертлар беришади.

ИҚТИСОД ҚИЛИНГАН МАТЕРИАЛЛАРДАН

БУГУН

«Средазэнергоцветмет» бош корхонаси **бўлинмаларида коммунистик шанбалик ўтказиш штабида цех ва участкалар, ёрдамчи ишлаб чиқаришлардан олинган мажбуриятлар умумлаштирилди. 21 апрель куни корхонанинг қарийб мингга яқин мутахассислари ишга чиқади. Шулардан 270 нафари ўз иш жойларида меҳнат қилади.**

Иш тартиби, меҳнат байрамини идеологик таъминлаш воситалари аниқланди. Жами 20 минг сўмлик саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

Шу кунги ишлаб топилган маблағ — икки минг сўмдан зиёд пул беш йиллик фондига ўтказилади.



Октябрь райони меҳнаткашлари коммунистик шанбаликка қизғин тараддуд кўришмоқда.

СУРАТЛАРДА: бадиий буюмлар фабрикаси танда цехининг каштачилари З. Ҳакимназарова ва М. Ғуломова; усти ёпиқ бозорни бунёд этишда иштирок этаётган 11-«Висотстрой» трестининг илғор қурувчиларидан А. Паршуков; Навоий кўчасида.

М. Нуриддинов фотолари.

КАТТА ТАРАДДУД

Пойтахтнинг Октябрь райони меҳнаткашлари В. И. Ленин туғилган куннинг 114 йиллигини ҳар бир иш жойида энг юқори унумдорликка эришиш билан кутиб олишга аҳд қилишган. Барча коллективларда бўлиб ўтган митинг ва йиғилишларда шанбаликда қилинадиган ишларнинг аниқ режалари белгилаб олинди.

Дастлабки маълумотларга кўра меҳнат байрамида 149 мингдан зиёд киши иштирок этади. Корхоналарнинг ишчилари 828 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарадилар. Мактаб ва институт талабаларидан 33 минг киши юбилей олди ободонлаштириш ишлари билан шуғулланади. Район бўйича шу куни 80 минг сўмлик кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарилади.

С. СУЛТОНОВ.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Марксизм-ленинизм университетида бўлиб ўтган область касаба союзлари ходимларининг курсларида Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятининг область совети ташкил этган икки кунлик семинар-кенгашида республика пойтахти саноат корхоналари новаторларининг вазифалари муҳокама қилинди. Семинарда жамият советларининг бошланғич ташкилотлари раислари, Тошкентдаги бир қатор қурилиш ташкилотлари, лойиҳа ва конструкторлик бюролари ихтирочилик ишлари билан шуғулланувчи ходимлари қатнашдилар.

●

«Еш гвардия» театри коллективи шаҳримизнинг 17-мактаб ўқувчилари ҳузурида ижодий кеча ўтказди. Санъат даргоҳи ижодкорлари ўқувчиларга «Заҳарли ҳаёт», «Баланд дорга осилма» спектаклларидан парчалар кўрсатишди. Ижодий кечада республика Ленин комсомоли мукофоти лауреати Мурод Ражабов ва бошқа бир қатор артистлар қатнашдилар.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 11 даража иссиқ бўлди. Шу кеча-кундузда ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғади, момақалдироқ бўлади. Кечаси 4—6, кундузи 15—18 даража иссиқ бўлади.

ЧЕМПИОНЛАР АНИҚЛАНДИ

Кеча «Юбилейний» марказий спорт залида якка тартибда учувчи аёллар эркин программада ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Олтин медални свердловсклик студент Наталья Лебедева қўлга киритди. Ленинградлик Марина Серова кумуш, Анна Антонова бронза медали билан тақдирланди.

Бир кун олдин эркаклар ўртасида ғолиблар аниқланган эди. Харьковлик Виталий Егоров 1984 йилги СССР чемпиони унвонини қўлга киритди. Кумуш медали ленинградлик Леонид Казнаковга, бронза медали эса одессалик Виталий Петренкога топширилди.

Спорт рақсчилари ўртасида москвалик Е. Батанова ва А. Соловьёв чемпион бўлишди. Москва областидан Н. Анненко ва Г. Сретенский иккинчи ўринни эгаллашди. Учинчи ўрин эса москвалик фигурачилар — М. Усова ва А. Жулинга берилди.

Кеча фигурали учиш бўйича мамлакат шахсий биринчилигининг тантанали ёпилиш маросими бўлди. Чемпионларга ва совриндорларга тантанали равишда мукофотлар топширилди. Кейин анъанага кўра фигурачилар томошабинларга намунали чиқиш программасида маҳоратларини намойиш этишди.

МУШТАРАК МАҚСАД ЙЎЛИДА

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VIII Халқаро Тошкент фестивали Ташкилий комитети ва матбуот марказига жаҳондаги кўпгина мамлакатлардан мунтазам хабарлар келиб турибди. Жаҳон халқларининг тинчлик ва озодлик йўлидаги муштарак мақсадлари бирлаштирган экран усталари ана шу катта нуфузли анжуманда қатнашиш истагини билдиришмоқда. Ҳозирга қадар жаҳондаги 64 мамлакат, иккита халқаро ташкилот ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тошкент кинофестивалида қатнашиш истагани маълум қилди. Булар орасида Бангладеш, Гаяна, Коста Рика, Перу каби мамлакатлар билан бирга Фаластин Озодлик Ташкилоти ва ЮНЕСКО киноделегациялари ҳам бор. Болгария, Чехословакия, АҚШ, ГФР ва бошқа бир қатор мамлакатлар Ўзбекистон пойтахтида ўтадиган фестивалда меҳмон сифатида иштирок этадилар.

Фестиваль Ташкилий комитети, унинг Бош дирекцияси ва ана шу Халқаро анжуманни муваффақиятли ўтказиш ишига сафарбар этилган барча ташкилотлар ва муассасалар шу кунларда тайёргарлик ишларини авж олдириб юбордилар. Шаҳарнинг энг яхши кинотеатрлари фестиваль экрани учун тайёр қилиб қўйилди.

Ўзбекистон пойтахти фестиваль иштирокчиларини «Жонажон диёримизга хуш келибсиз!» дея кутиб оладиган кунлар тобора яқинлашмоқда.

Шарҳчи сатрлари

«УМУМИЙ БОЗОР» ЗИДДИЯТЛАРИ

Ғарбий Германияда чиқадиган «Нойе Рурцайтунг» газетаси Европа ҳамжамиятлари кенгашининг Брюсселда бўлиб ўтган сессиясини шарҳлаб, унинг бутунлай барбод бўлганлигини таъкидлади. «Умумий бозор»га аъзо бўлган ўн давлат ва ҳукумат бошлиқлари чуқур зиддиятлар мавжудлиги сабабли кун тартибидаги энг муҳим масалалар юзасидан, аввало, қишлоқ хўжалиги ва бюджет сиёсати билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан амалда бирон-бир келишувга эриша олмадилар. Энг кескин тус олган проблема — Англиянинг Европа иқтисодий ҳамжамияти бюджетига қўшаётган молиявий ҳиссаси тўғрисидаги масала теварагида айниқса кучли тортишув бўлди. Англия бош министри М. Тэтчер ҳамжамият бюджетига тўлаётган взнос ғоят ошириб юборилганлигини таъкидлаб, у ўртага қўяётган талаб қондирилмаса, унинг мамлакати ҳамжамият умумий хазинасига пул ажратишни тўхтатиб қўйишини уқтирди. Ирландия бош министри Г. Фитцжеральд эса унинг мамлакати олдига сут маҳсулоти чиқаришни қисқартириш талаби қўйилаётганлигидан аччиқланиб, мажлислар залидан чиқиб кетди.

Сессия қатнашчилари бундай келишмовчиликлар шароитида икки кун тинмай қизғин мунозаралар олиб борилганлигига қарамай, бирон-бир якунловчи ҳужжат қабул қилинишига муваффақ бўла олмадилар. Шу тариқа Европа иқтисодий ҳамжамиятининг олий даражада ўтказилган учинчи учрашуви тўла барбодликка учради: «Умумий бозор» ўзи ташкил этилгандан буён ўтган 26 йил мобайнида энг жиддий тангликни бошдан кечирмоқда.

Брюсселда иқтисодий, молиявий ва бошқа кўпгина зиддиятларнинг яққол намоён бўлиши ғарб мамлакатларини ўз исканжасига олган ялпи танглик янги, халокатли босқичга кўтарилганлигини кўрсатади.

АҚШ маъмуриятининг худбинлик йўли Европа иқтисодий ҳамжамиятида зиддиятларнинг кескин тус олишига кўп жиҳатдан сабаб бўлмоқда. У рақобатчи шерикларини иқтисодий жиҳатдан заифлантиришга интилиб, уларни Вашингтон милитаристик режаларини амалга оширишга тортаётганлиги иқтисодий тангликни кучайтирмоқда, Ғарбий Европада оммавий ишсизлик ва молиявий чигалликлар келтириб чиқармоқда. 1983 йилнинг ўзидагина АҚШга Европа иқтисодий ҳамжамияти мамлакатларидан олиб чиқиб кетилган капитал 150 миллиард долларни ташкил этди.

Франция президенти Ф. Миттеран Европа иқтисодий ҳамжамиятидаги аҳвол «айниқса жиддий»лигини тан олди. Дарҳақиқат, «Умумий бозор» фаолияти издан чиқиб, унинг хазинаси эса амалда бўшаб қолди.

Р. СЕРЕБРЕННИКОВ,
ТАСС шарҳчиси.

ДАЪВОГАРЛАР МАТЧЛАРИДА

● ШАХМАТ

ВИЛЬНЮС. Бугун шахмат бўйича жаҳон тожига даъвогарлар Г. Каспаров ва В. Смислов ўн учинчи партияни ўйнашади. Кечаги ўн иккинчи партияда Г. Каспаров ғалабага эришиб, ҳисобни 8:4 га етказди.

● ШАШКА

ГААГА (Голландия). Халқаро шашка бўйича Х. Вирсма билан совет гроссмейстери В. Вирний ўртасидаги ўн бешинчи партия дуранг натижа билан якунланди. 8:7 ҳисобида ҳамон голландиялик шашкачи пешқадамлик қиляпти.

●ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҚУЙИ ПАРТИЯ ЗВЕНОЛАРИДА

ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА—МУҲИМ ЭЪТИБОР

Тошкент агрегат заводининг 1-механика-йиғув цехи партия ташкилоти ўз сафларини ўстиришга катта эътибор бермоқда. Коммунистлар партия сафига кираётган ҳар бир ишчининг ишчанлик ва сиёсий-ахлоқий сифатларини синчиклаб текширмоқдалар. Бу ишга индивидуал ёндошмоқдалар. Кейинги вақтда цехда 11 киши партия сафига қабул қилинди. Улар ишлаб чиқаришда бошқаларга намуна кўрсатган, ўз ишига доимо ижодий ёндошадиган ишчилардир.

Цехда очиқ партия йиғилишлари вақти-вақти билан ўтказиб турилади. Унда партиясиз ҳамкасблар ҳам қатнашиб, бутун коллективни тўлқинлантираётган масалаларни биргаликда ҳал этмоқдалар, камчиликларга барҳам бериш йўлларини белгиламоқдалар. Хуллас, бу улар учун мактаб бўлмоқда. Партиясиз ҳамкасбларнинг йиғилишлардаги активлиги партия сафига кирадиган кишиларни пухта танлашга ёрдам бермоқда.

Завод партия комитети ёш коммунистларни тарбиялашга алоҳида эътиборни қаратмоқда. Тажрибали коммунистлар уларнинг ғоявий жиҳатдан ўсишларига ёрдам бермоқда. Устав талабларининг моҳияти ва аҳамиятини ёш коммунистларга тушунтирмоқдалар. Партком уларнинг ўзларига берилган топшириқларни қандай бажараётганлигини назорат қилиб бормоқда. Цех партия бюроси эса ёш коммунистларга мунтазам топшириқлар бериб бормоқда. Ёш коммунистлар партия йиғилишларини тайёрлашга ҳам актив жалб этилмоқда. Ёш коммунистларнинг бундай актив иштирок этиши уларнинг шахсий сифатларини текширишнинг ва бу сифатларни камол топтиришнинг муҳим формаси бўлиб қолди.

Масалан, цех технологи, ёш коммунист Зулфия Зиёхўжаева пропагандистлик ишини бажонидил адо этмоқда. Ёш коммунист, фрезерловчи Бахтиёр Содиқов эса цех комсомол ташкилоти секретарининг ўринбосаридир. У цех ёшларини ишлаб чиқаришда янги муваффақиятлар сари руҳлантирмоқда. Цех комсомоллари ишлаб чиқаришда намунали маданият учун кураш ташаббускорлари бўлдилар.

1-механика-йиғув цехининг ёш коммунистлари —тайёрлов группасининг бригадири А. Аббосов, техника бюроси бошлиғи Х. Абдуллаев, автоматчи А. Кобер ва бошқалар ишга ҳалол ёндошиб, ўз бурчларини виждонан бажармоқдалар.

Завод партия комитети ва цех партия бюроларининг доимий ғамхўрлиги натижасида ёш коммунистлар сиёсий ва ташкилотчилик иш кўникмаларини ҳосил қилмоқдалар, ғоявий жиҳатдан чиниқиб бормоқдалар. Масалан, ёш коммунист, токарь С. Зенкин цех партия бюросининг аъзоси қилиб сайланган. У ўзига берилган топшириқни сидқидилдан адо этмоқда.

Корхона коммунистлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 60 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақада актив иштирок этмоқдалар. Юбилей шарафига олинган мажбуриятлар муваффақиятли бажариляпти. Меҳнат унумдорлиги ўтган йилгига нисбатан 2 процент ошди. Планга қўшимча суратда маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Бу ютуқларнинг ҳаммасида корхона ёш коммунистларининг муносиб ҳиссалари бор. Улар тажрибали коммунистлар билан бир сафда туриб, корхона ютуқларига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

С. МУСАХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида бичикчи, комсомол аъзоси Сайёра Ҳидоятованн ишчанлиги, ўз вазифасини кунт билан бажариши туфайли ҳурмат қилишади.
Х. Мирзакаримов фотоси.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ГА ХАТЛАР

БУ—ҚАНАҚАСИ?

Мен 11 февраль куни соат 16 да Октябрь инқилоби хиёбони ёнидаги фотостудияга 3х4 ва 4х6 размерларда расмга тушиш учун кирдим. У ердаги кассир менга квитанция билан бирга 75 тийин турадиган китобни берди. Китобни олмаслигимни айтган эдим «Китобни олмасангиз расмга тушурмаймиз», деди қўполлик билан. Мен расмга тушмасдан чиқиб кетдим.

Бу қандай хурмача қилиқ! Мижозларга мажбуран китоб сотишга уялмайсизларми!

М. МИРАҲМЕДОВ,
2-Чимбой кўчаси, 85-уй, 37-квартира.

ДИЛИМ ОҒРИДИ

Шаҳар темир йўл вокзалига ҳар куни неча минглаб йўловчилар келиб кетади. Унинг чап томонидаги озиқ-овқат магазини ёнида жойлашган «Союзпечать» киоскасидан йўловчилар газета, журналлар харид қилишади. Киоскачи иккита газетага 10 тийин олиб қолгани етмагандай, деярли ҳамма билан қўпол муомалада бўлади.

3 февраль куни мен билан қилган қўполлиги жони-жонимдан ўтиб кетди. Шу куни киоскада мен истаган газета йўқ экан. Сабабини сўрадиму, балога қолдим. Наҳотки баъзи кишилар ўзларининг қўполлиги билан инсон дилини оғритганликларини, уларнинг кайфиятини бузаётганликларини тушунишмаса!

Ш. УМАРОВ, ишчи.

УЗИБ ҚЎЙИШДИ

Ўғлим Улан-Удэ шаҳрида Совет Армияси сафида хизмат қиляпти. У билан телефонда гаплашиш мақсадида Усмон Юсупов кўчасидаги шаҳарлараро телефон станциясига учрашиб, 20 минутга пул тўладим. Энди гаплашиб ҳол-аҳвол сўрашиб турган эдик, телефон узилиб қолди. Диспетчерга «Нега бундай қилдингизлар» дедиму балога қолдим. У мени пасткаш деб ҳақорат қилиб, гаплашолмаган вақтлар учун пулни Навоий кўчасидаги 26-уйда жойлашган марказий телефон станциясидан оласизлар деди.

Мен яна шу йил 27 январь куни 1 февраль кунига телеграмма бердим ва телефонда гаплашиш учун улаб беришларини кутиб ўтирдим. Лекин бу сафар мутлақо улашмади. Ўғлимдан келган телеграммада 1 февраль куни 3 соат давомида алоқа бўлимида кутганлиги диспетчер «Тошкент бизни негадир уламаяпти, жавоб бермаяпти», деганлиги ёзилганди. Бу қанақа хурмача қилиқ! Хоҳлашса узиб қўйишади, хоҳламаса улаб беришмайди. Уларни тартибга келтириб қўядиганлар борми!

М. РАСУЛОВА,
Чувалачи кўчаси, Кўктерак тупиги, 6-уй.

БОЗОРДАГИ ЎЗБОШИМЧАЛАР

Ҳеч ерда ишламай бозорнинг хўжайини бўлиб олган олиб-сотарларнинг турқи ҳар хил, лекин қилаётган иши битта — жиноят. Чунки, улар кўп ҳолларда ўғирланган мол билан савдо қилишади, ҳалол одамларни авраб, пулини шилишади.

Фарҳод бозори ва унинг ёнидаги ярмаркада кўзбўямачилик қилиб, деҳқонларнинг чўнтагини шилувчилар кўкрак тугмасини ечиб, ҳуштак чалиб юришади. Уларнинг танобини тортиб қўйиши лозим бўлган участка инспекторлари негадир кам кўринишади. Чайқовчи ва олибсотарлар қачонгача ялло қилиб юришаверади!

М. ҲАЙДАРОВ,
Чилонзор, 12-квартал, 21-уй.

* * *

Қўйлиқ бозорида туянинг кўзидек нонни 15—20 тийиндан пуллашади. Бу ердаги мантипаз, ҳоним ва кабоб қилиб сотувчи юлғичлр ҳам олғирликда нонвойлардан қолишмайди. Улар санитария қоидаларига хилоф равишда иш тутишади. Негадир, бу «қўли гул» ошпазларнинг мушугини ҳеч ким пишт демайди. Ахир бундай ўзбошимчалик билан овқат сотиш қоидага мутлақо хилоф-ку. Уларнинг ишига шаҳар санитария милициясидагилар қачон барҳам беришади! Бу тартибсизликлар қачонгача давом этаркин!

Н. ОМОНОВ,
Озёрная кўчаси, 3-уй.

●«Тўққизлар ташаббуси»—амалда

ДИЛ-ДИЛГА ПАЙВАНД

Дарахт бир жойда кўкаради. Бу халқ мақоли. Бу ҳикматли сўзда мен билан сизнинг тақдиримиз яширинган. Тақдиримиз одамийлик, бурч ва масъулият нурлари билан мунаввар этилгандагина биз мана шу жамиятда яшашга муносибмиз, деб айта олишимиз мумкин.

Мен сизга «бир жойда кўкарган» учта дарахт ҳақида ҳикоя қилиб бермоқчиман. Бу «дарахтлар» «Ташхимсельмаш» заводининг ишчилари —ота-болалар Василий Михеев, Иван ва Сергей Михеевлардир. Уларнинг умр дарахти аллақачон мевага кирган. Бу мевалардан элу юрт, жамият баҳра кўриб келмоқда.

Келинг, яхшиси уларнинг ўзларидан дил сўзларини эшитайлик.

Василий МИХЕЕВ:

— Мактабда менинг бир ажиб орзуим бор эди: катта бўлсам, албатта матрос бўламан, деб ўйлардим. Кечалар денгизларни туш кўрардим...

Василий Макарович Шукшиннинг бир ҳикоясидаги қаҳрамон улғайсам, албатта жосус бўламан, деб орзу қилади. Орзулар ҳам қизиқ бўларканда...

Мен, матрос бўлолмадим, Совет Армиясида қурилиш бўлинмасида хизмат қилдим. Денгизлар тушимга тобора камроқ кирадиган бўлди. Ҳозир бир йилда тушимга жилла қурса бир марта денгиз кирса йил бўйи қувониб юраман. Барибир, орзу эканда. Телевизор экранида шовуллаётган денгизни кўрсатишса кўксимда нимадир тўлқинланади...

Ҳозирги кун ҳақида гапирадиган бўлсам — тақдиримдан нолимайман. Эл қатори деганларидай, ишлаб келяпман. 25 йилдан бери пайвандчиман. Чорак асрдан бери, агар донишманднинг иборасини сал ўзгартириб айтсам, ўз меҳнатимдан ажойиброқ машғулот кўрмадим. Кейинги кунларда ҳамкасблар менга нисбатан аҳён-аҳёнда «пенсия» сўзини ишлатадиган бўлишди. Йўқ, мен пенсионер сифатида хаёл суриб ўтиришимни ҳеч қачон тасаввур қилолмайман. Мен ўзим кўникиб кетган заводсиз, дастгоҳларнинг шовқинисиз, юзларига чангу ғубор қўнган, коржомалари қорамойга беланган, лекин кўнгиллари соф ҳамкасбларнинг самимиятисиз яшолмасам керак.

Чорак аср давомида қанча жонсиз темирларни фойдали деталларга, жиҳозларга айлантирганимни санаб беролмасам керак. Гап саноғда эмас. Энг муҳими— цехимизда тайёрланаётган юзлаб хилдаги деталларга пайвандлаш аппаратимнинг нури, қолаверса, кўзларимнинг нури сингганлигидан қувонамам. Бу деталлар машиналарга ишлатилади, машиналар эса қишлоқ хўжалигига, пахтакорларга етказиб берилади. Меҳнатимнинг шу томонларини ўйласам кўнглим ифтихорга тўлади. Шундай пайтларда ўзимни улкан мамлакатнинг тақдири билан чамбарчас боғлиқ эканлигимни очиқ-ойдин англаб етаман. Ҳа, менинг тақдирим ана шу порлоқ жамиятга пайванд қилинган. Бу жамиятсиз менинг кўкаришим, камол топишим гумон эди.

Иван МИХЕЕВ:

— Очиғини айтганда, мактабда ўқиб юрганимда ишчи бўламан, деб ўйламагандим. Ҳаётда хаёлга келмаган шундай воқеалар содир бўладики, улар баъзан кишининг ҳаёт йўлини бутунлай ўзгартириб юборади. Менимча, ирода шундай пайтларда синалса керак. Эсимда, заводга ҳуштак чалиб бамайлихотир кириб келгандим. Энди ўйлаб қарасам, заводни, унда ишлаётган юзлаб оқкўнгил инсонларни менсимаган эканман. Бирор йил ишлаб жуфтакни ростлаб қоламан, деб «ният» қилган бўлсам керак-да. Бироқ... ёзувчилар тили билан айтганда мен бу ерда ҳаётни кўрдим, ўргандим, ҳақиқий меҳнат нималигини, оддий ишчи сўзининг нақадар қудратли эканини англаб етдим. Ушандан бери 14 йил ўтибди.

Яна бир ҳақиқатни очиқ айтишга тўғри келади. Ишчи бўлиб меҳнат қилиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бугун корхонага келиб, дастгоҳлар шовқинига кўниколмай, тўрт тарафга жовдираб, сўнгра «қуён» бўлганларни кўп кўрдим, десам муболаға бўлмас. Мактаб ва ўқувчилар тарбияси, уларнинг ҳақиқий одам бўлиб вояга етиш масаласи кун тартибига қўйилган ҳозирги вақтда касбга нисбатан меҳр-муҳаббат билан муносабатда бўлиш ҳам ана шу муҳим проблеманинг енгиллашувига бир қадар ёрдам беради.

Биз энг аввал том маънода граждан бўлишимиз керак. Шунинг ўзи бизнинг жамиятдаги ўрнимизни белгилаб беради. Менинг отам ишчи. Ўзим ҳам ишчи. Укам...

Сергей МИХЕЕВ:

—Менимча, киши ўзи яхши кўрган иш билан шуғуллангани маъқул. Шундагина ундан жамиятга, одамларга фойда тегиши мумкин. Мен ўн йилдан ортиқ вақт давомида шу ерда ота касби деганидай, пайвандчи бўлиб ишлаб келяпман. Иш устасидан қўрқар, деганлар. Камтарликни йиғиштириб гапирадиган бўлсам, ҳозирги кунда ўз касбимга таллуқли ҳар қандай ишни яшин тезлигида бажариб кетавераман. Ўтган муддат иш тажрибаси ва ниҳоят, ўз ишимга нисбатан меҳр мени шунга ўргатиб келди. Ўйлайманки, бундан кейин ҳам ишни худди шундай суръатда давом эттираман.

* * *

Мана, азиз оқшомхон, сиз уч ота-боланинг дил изҳори билан танишдингиз. Бир мақсадга қаратилган, бир-бирига пайванд учта тақдирнинг кўнгил дафтарини варақладингиз. Бу фидойилар ҳозирги кунда ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йили план-топшириқларини бажариб, 1985 йил ҳисобига меҳнат қилишмоқда. «Тўққизлар издоши» бўлган учовлон Ўзбекистон Компартияси ва Ўзбекистон ССРнинг шонли 60 йиллик юбилейини беш йиллик топшириқни уддалаш билан кутиб олиш учун ғайрат кўрсатмоқда. Шундай одамлар билан танишганингда улуғ пролетар шоири Владимир Маяковскийнинг «Кўринг, ҳавас қилинг...» сатрини ҳайқириб айтгинг келади.

С. САИДОВ.

●

«Средазгазавтоматика» заводининг механика цехида янги босим регуляторларини йиғиш муваффақиятли бормоқда. Бу регуляторлар мамлакатимиз газ қувурлари учун мўлжалланган.

М. Нуриддинов фотоси.

●

ШАҲРИМ—ФАХРИМ

Об-ҳаёт дарёси

Она шаҳримизнинг гуллаб-яшнаб туришининг боиси сувимизнинг сероблигидандир. Обҳаёт тириклик омили деб донолар бежиз айтишмаган.

Тошкент шаҳри территориясида Чирчиқ дарёсидан бошқа табиий гидрогеографик шахобча йўқ. Бироқ ана шу дарёдан сув олувчи каналлар бир нечта. Уларнинг энг муҳимлари Бўзсув, Бўрижар, Салор, Қорасув, Кайковус, Анҳор ва бошқа каналлардир. Бу шахобчаларнинг ҳаммаси Бўзсув каналидан бошланади.

Шаҳримизда ҳозир 32 та биринчи, 52 та иккинчи категорияли сув тармоқлари корхоналар ва аҳолининг сувга бўлган талабини қондиришга хизмат қилади. Шаҳардаги яшил майдонлар ва аҳоли эҳтиёжи учун секундига 15 кубметрдан ортиқ сув сарфланади.

Шаҳардаги кўплаб канал ва ариқларига сув ўзи оқиб келади. Агар суғориладиган майдон каналга нисбатан баланд жойлашган бўлса, сув у ерга насослар ёрдамида узатилади.

Бўзсув ҳам Искандар, Хоним, Зах, Қорасув ва Салор каналлари сингари бир неча юз йилдан бери шаҳарга оби-ҳаёт тарайди. Унинг узунлиги Чирчиқдан Сирдарёгача 159 километр. Агар Бўзсувнинг бошланиши деб 10—ГЭС олинса унда унинг узунлиги 138 километрга тенг бўлади.

Ёзнинг жазирама иссиқ кунларида ҳам ям-яшил хиёбонлар, азим чинор ва шаҳримизнинг энг гавжум жойларида гуркираб турган 100 хилдан ортиқ дов-дарахтлар бизга соя бўлади. Уларнинг оромбахш бағрида ҳордиқ олиб кўнглимиз ёзилади, «кумуш камар» сув шахобчаларига миннатдор термуламиз,

Сув — бебаҳо бойлигимиз. Уни эъзозлаган эл доим обод. Бу ҳақиқатни унутмаслик эса ҳаммамизнинг бурчимиз.

Ҳ. ҲАБИБУЛЛАЕВ,
табиатшунос.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

«ЙЎЛОВЧИЛАР ЭЪТИРОЗИ»

Газетанинг шу йил 10 февраль сонида оқшомхон Л. Ҳамидовнинг юқоридаги сарлавҳали танқидий хати босилиб, унда 8, 11-маршрутдаги вагонларнинг ойналари синиқлиги, ўриндиқлар ифлослиги ва трамвайлар белгиланган график бўйича қатнамаётганлиги танқид қилинган эди. Редакция шаҳар трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи В. Загуменнов имзоси билан қуйидаги жавобни олди:

Газетада келтирилган фактлар тасдиқланди. Шикоят 2-трамвай депоси хизматчилари ўртасида ишлаб чиқилди. 15 февраль куни деподаги барча трамвайлар назоратдан ўтказилди. 2146, 2223, 2113, 2137 ва 2128-вагонлардаги йўл қўйилган камчиликлар бартараф этилиб, вагонларнинг санитария ҳолати яхшиланди. Яна бир бор ҳайдовчилар билан суҳбат ўтказилиб, графикка қатъий амал қилишлари уқтирилди. Йўловчилар хизматига чиқарилувчи ҳар бир ҳайдовчига ҳаракат жадвали ажратилди.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ХАЛҚАРО МАВЗУЛАРДА СУҲБАТЛАР

●

ТАРИХ САБОҒИНИ УНУТАЁТГАНЛАР

Тарихдан шу нарса маълумки, ҳарбийлаштириш, қайта қуролланиш доимо уруш хавфини кучайтириб келган. Швейцария эксперти Жан-Жак Бабелнинг ҳисобига кўра, инсоният кейинги олти минг йил ичида ўз бошидан 14 минг 513 та урушни кечирган. Ушбу урушларда Ер шарининг 3 миллиард 740 миллион аҳолиси нобуд бўлган. Агар ўртача олинса, бўлиб ўтган ҳар бир уруш тахминан 250 минг кишининг ёстиғини қуритган.

Фақат XX асрда империалистик давлатлар умумий ҳисобда тахминан 62 йил бутун планета бўйича, регион ва алоҳида мамлакатларда урушлар ва агрессив тўқнашувлар олиб бордилар. Биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари шулар жумласидандир. Оқибатда 70 миллион киши ҳалок бўлди. 125 миллион нафар одам эса ярадор ва мажруҳ бўлиб қолди.

Тарихнинг адолатли ҳукми, инсониятнинг азобланган виждони империализмнинг бу мудҳиш жиноятини ҳеч қачон кечирмайди, албатта.

Шу кунларда тарих ва кейинги жаҳон уруши сабоқларини унутиб қўйганлар АҚШнинг агрессив сиёсатини ҳам, Пентагон ракеталарининг Ғарбий Европага жойлаштирилишини ҳам турлитуман баҳоналар билан оқламоқчи бўляпти. Лекин босқинчилик ва адолатсиз урушлар инсониятга қарши оғир жиноятдир. Империализм бошлаб берган урушларнинг халқлар бошига келтирган мусибатли кунлари, миллион-миллион кишилар тортган азоб-уқубатлар инсоният ёдидан асло кўтарилмайди.

Масалан, тўрт йил давом этган Улуғ Ватан уруши даврида 20 миллион совет кишиси қурбон бўлди. Урушнинг ҳар бир куни 14104, ҳар соати 588 киши ҳаётини олиб кетди. Фашистлар 1710 шаҳаримизни, 70 минг қишлоғимизни вайрон қилди, 6 миллион бино яксон қилинди, 31850 саноат корхонаси, 65 минг километр темир йўл, 4100 темир йўл станциялари, 36 минг почта, телеграф, телефон станциялари йўқ қилинди.

Шу кунларда АҚШ бошлиқ империалистик давлатларнинг милитаристик сиёсати инсоният ва табиат моддий ресурси ҳамда бойлигининг асосий қисмини ҳарбий мақсадларга сарфланишига олиб келмоқда, янги-янги қирғин қуроллари ишлаб чиқарилмоқда, ядро арсеналлари навбатдаги запаслар билан тўлғизилмоқда. АҚШ ҳарбий корхоналарида, концернларида бугун кўплаб ишлаб чиқарилаётган нейтрон ва напалм бомбалари, «МХ» баллистик ракеталари, «Першинг — 2», «Трайдент—2» ва қанотли ракеталар, химиявий снаряд ва бактериологик қуроллар, В—1 стратегик бомбардимончи самолётлар шулар жумласидандир.

Экспертларнинг ҳисобларига кўра, жаҳондаги ҳарбий мақсадларга йилига 650 миллиард доллар сарфланмоқда. Масалан, 1984 йилда АҚШнинг ҳарбий бюджети 280 миллиард долларни, агрессив НАТО блокининг ҳарбий харажатлари эса 300 миллиард долларни ташкил қилади. Империалистик пойтахтларнинг айби билан Осиё, Африка, Лотин Америкасининг ривожланаётган мамлакатлари ҳам ҳарбий мақсадларга каттакатта маблағ ажратишга мажбур бўлмоқда. Уларнинг ҳарбий харажатлари йилига 100 миллиард долларга тенг бўлмоқда. Ҳолбуки, ўша давлатлар олдида ўз ечилишини кутиб турган қатор ижтимоий-иқтисодий проблемалар бор. Масалан, ривожланаётган мамлакатларда ҳар куни очлик ва касалликдан 40 минг бола нобуд бўлмоқда, 800 миллион киши саводсиз, 250 миллион болалар мактабдан маҳрум, 570 миллион одам тўйимли овқатга муҳтож, 1500 миллион аҳоли медицина ёрдамидан маҳрум. Ривожланаётган мамлакатларнинг Ғарбга қарзи 1984 йилнинг бошларида 800 миллиард долларга етди. Биргина Лотин Америкасининг қарзи эса 100 миллиард долларни ташкил қилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Гап шундаки, милитаризмни, ядровий қуролланишни авж олдираётган Вашингтон ва бошқа империалистик пойтахтлар ўзларининг ушбу хатарли ва инсоният томонидан кескин қораланаётган сиёсатларини, социалистик давлатлар устидан ҳарбий устунликка эришиш йўлидаги хатти-ҳаракатларини аслида бўлмаган «совет хавфи» билан, бошқа баҳоналар билан оқлашга уринмоқдалар.

Маълумки, Совет Иттифоқи, қардош социалистик давлатлар ҳеч кимга, шу жумладан АҚШга ҳам хавф-хатар солаётгани йўқ. Бу тарихий ҳақиқатни жаҳон жамоатчилиги ҳам, Америка халқи ҳам яхши билади. Бутун дунёга социализм эмас, балки империализмнинг милитаристик йўли хавф солмоқда.

Шу масъулиятли ва жиддий дамларда тарих Ватанимиз зиммасига, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари зиммасига инсониятни термоядро фалокатидан омон сақлаб қолишдек жаҳоншумул тарихий вазифани юклаган.

Бугун тинчлик ва қуролсизланиш идеали бўлган она-Ватанимиз, қардош социалистик мамлакатлар ана шу олийжаноб вазифани шараф билан бажармоқдалар, Ер юзида тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун астойдил курашмоқдалар. Мана шундай шароитда Совет Иттифоқи сабр-матонат ва сергаклик кўрсатмоқда, инсоният боши узра пайдо бўлган ядро уруши хавфининг олдини олиш учун зарур ҳамма чораларни кўрмоқда.

Талъат СОЛИЕВ.

● Талъат Солиев — СССР Журналистлар союзининг аъзоси, халқаро шарҳловчи, «Тошкент оқшоми»нинг актив муаллифларидан бири. У халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати масалаларига бағишланган қатор рисола ва кўпгина мақолалар авторидир.

Ер юзи аҳолис

НЬЮ-ЙОРК. Кейинги ўн йил ичида ер юзининг аҳолиси 770 миллион кишига кўпайди ва ҳозир 4,8 миллиардан ошиб кетди. БМТ Бош секретари Ҳ. Перес де Куэльярнинг бу ерда эълон қилинган «1983 йилда дунёдаги демографик ҳолат» номли докладида шу маълумотлар келтирилади.

Ҳужжатда таъкидланишича, ер юзи аҳолисининг 1973 йилдан бери ўсиши ҳозирги Лотин Америкаси ва Африканинг Саҳрои Кабирдан жанубдаги райони ҳозирги аҳолисини бирга қўшганда шунга тенг келади. Шу давр ичида аҳолининг ҳар йилги ўсиш кўрсаткичи аввали бутун тарих мобайнидаги энг юқори белгига — 2,1 процентга кўтарилиб, сўнгра пасая бошлади, 80-йилларнинг бошларида 1,7 процентга тушиб қолди.

Ривожланган мамлакатлар орасида фақат Австралия ва Янги Зеландия аҳолиси йилига 1 процентдан зиёд кўпайди. Айни вақтда Ғарбий Европанинг

баъзи мамлакатл аҳолининг сони камайиб бормоқда

Узоқ умрли ларли равишда 70-йилларнинг ридаги 55,4 ёш зирги вақтда 58,9 етганлиги ўзига тортади. лан бирга бу ривожланган мам лар билан ривож ётган мамлакатл тасидаги тафовут ҳам жуда катта лан, Африкадаги лар ўрта ҳисобд йилдан камроқ моқдалар. БМТ пертларининг мотларига қара аёлларнинг умри ларга нисбатан ҳисобда 7,5 йил дир. Мутахассис нинг фикрича, рига бориб ўртача кўриш даври ланган мамлакат 75,4 йилни, ри наётган мамлак да эса 61,8 ташкил этади.

Шаҳар аҳолиси кўпайиш суръатлари те бормоқда. Келгус бошларида жаҳон лисининг ярмида роғи шаҳарларда диган бўлади.

Фотокалейдоскоп

Бу пичоқни [суратда] ГФРдаги магазин бирининг эгаси тайёрлаган. Унда юз хил мослама бор: қайчиси ҳам, бигизи ҳам, ҳамма нарса мавжуд. У туристлар ва хизматчиларга жуда асқотиши мумкин. Швейцария пули билан 4 минг франк тур бу пичоқни фақат бой коллекционерги олиши мумкин.

Кейстон— ТАСС фотос

Улкан сурат

Узунлиги бир ярим километрли ва умумий майдони беш юз квадрат метр бўлган бу улкан мозаика суратни ишлаш учун Финляндиянинг 3605 рассоми иштирок этди. У Гиннеснинг «Рекордлар китоби»дан ўрин олган «қаҳрамонларнинг» турли хилини ўзида акс эттирган. Мисол учун унда катта торт, энг баланд товуш чиқарувчи музика асбоби, энг митти вон ва бошқа нарса ни кўриш му Буни қарангки, Фин диялик рассомлар бу ишлари ҳам энг та деган номни ол даъвогарлик қил Ҳақиқатан ҳам у Ш цияда ишланган ва квадрат метр эгаллаган рекорд ратдан деярли маротаба каттадир.

«Фил ва лайча»

Худди «Фил ва лайча» масалидаги воқеага ўхшаш бу воқеа яқинда Шри-Ланкадаги қишлоқлардан бирида бўлиб ўтди.

Маҳаллий ёшгина деҳқон аёл тасодифан ёввойи филга тўғри келиб қолди. Нимадандир ғоят ғазабланган бу баҳайбат ҳайвон хартуми билан аёлни ўраб олиб, уни ердан кўтарди пайт кичкинагина эгасини ҳимоя қил киришди. У, деб беради, ГДРнинг эри-эхо» газетаси, га қарши ҳеч ташланаверди ва думини тишлаб тор лай бошлади. Ор сезган ўрмон ўлжасини ерга ва даҳшатга тушиб чиб қолган.

Энг кичик

Таиландда дунёда энг кичик сут эмизувчилардан митти кўршапалак яшайди. Унинг катталиги уч сантиметр бўлиб, қанотларини ёзганда олти сантиметргача етади. Оғирлиги эса атиги икки грамм. Кундуз лари бу митти кўрш лаклар худди кўршапалаклардек ронғу ғорларда, парда яшириниб ди. Кеч кириши эса майда ҳашаро ни овлай бошлайди

Кекса ҳайдовчи

Франциядаги энг кекса аёл-ҳайдовчи яқинда ўзининг юз йиллигини кенг нишонлади. Бу аёл Контесса Анна де Бьешани бўлиб, у биринчи марта рулга 1909 йилда ўтирган. Шундан бери машинани ҳеч бир аварияcиз ҳайдайди. «Машина ҳайдашнинг учун ҳеч қандай чилиги йўқ, лекин цикл билан мен бу йигирма йил аввал лашганман. У жуда дабдала бўлиб эди» — дейди у рон қолган репор ларга.

●

Никарагуада ме ва мудофаа бир-би дан ажралмас қолди.

СУРАТДА: Мана яқинидаги Типитапа лакатойя районида ишлаб чиқариш бўй йирик агросаноат ко плекси қурилишида.

Пренса-Латина— ТА фотос

●

Бўстон

Бу бўстон саҳнида
гул кўп, ғаман кўп...
Алишер Навоий

ҚАЙТИМ

(ҲИКОЯ)

Автобус ҳар тўхтаганда бақалоқ паттачи аёл йўловчиларни кўзлари аланглаб қаршилайди. Улар узатаётган пулни олади-ю, бироқ билет йиртмайди. Олдин йўловчининг кийим-бошига беписандгина разм солади. «Нега билет бермаяпсиз?»— деб ҳеч ким сўрамайди ҳам. У истар-истамас билет йиртмоқчи бўлса, баъзилар «ҳожати йўқ» деган маънода қўл силтаб қўйишади.

Автобус «Қозоғистон» кинотеатри бекатида тўхтади. «Гур» этиб йўловчилар кўтарила бошладилар. Ҳойнаҳой кино кўриб чиқишган бўлса керак. Бўш ўринлар тўлди. Ҳаммадан кейин қоқилиб-суқилиб бир киши чиқиб олди. Оёғида зўрға туриб чайқалади. Йиқилган бўлса керак, оҳори кийимлари расво. Ғижимланган ола-чипор галстуги қийшайиб, беўхшов осилиб турибди. Қўлида ранги ўчиб, азбаройи кирдан ялтираб кетган сарғиш чарм портфель. Ярғоқ бошидаги яккам-дуккам сочлари тўзғиган. Кўзлари уч кун уйқудан қолган одамнинг кўзларидай қизғиш, юмилиб-юмилиб кетади. Чизиқ, ажинлар қулоч ёзаётган юзларини бужмайтиради.

Ёшлардан бири унга жой бўшатди.

— Й-йўқ, ука, ўзиз ўтиринг. Бизани оёқлар хизмат пайтида қотиб кетган, мустаҳкам, — деди у бешиктебратардай тебраниб.

Ҳалиги жой бўшатган дўппили йигит, унинг ўтириб олишига ёрдамлашди.

— Р-раҳмат, ука, — деди оғзидан тупук сачратиб.

Олдинги ўриндиқда ўтирган елкалари очиқ, танноз хотин отнинг қилидай қошларини чимириб, унга еб қўйгудек бўлиб ўқрайди. Сўнг қўлидаги бир парча ялтироқ сумкачасидан рўмолчасини олиб, елкасини сийирган бўлди.

— Ким билет олмаган бўлса, тез-тез узатсин!— Ҳалиги бақалоқ паттачининг жарангдор овози эшитилади. Одатдагидай, пул олади-ю, билет йиртмайди. Кейин унинг ёнидан ўтаётиб, кўкиш рангга бўялган туксиз қошларини учириб:

— Бутилкага кириб чиққанмисаң, дейман, хўроз. Қани билет олгин!— дейди тантанавор овозда ва ўзининг гапидан завқлангандай, сариқ тишларини кўрсатиб, тиржаяди. Япалоқ, доғ тушган юзлари селкиллайди.

—Д-да мамаша, биз хў-хўроз-да, хўроз! — дейди у ҳам ингичка бўйнини чўзиб.

Ҳалиги танноз унга яна ўқраяди. Олмадай қизил лабларини жийириб, ўрнидан туриб нари кетади.

— Сангинагаям яхши гап ёқади-я. Қани хўроз бўлсанг билетга чўзчи?

— Н-нима, хў-розлигимга ишонмайсизми? ё...—деб у ўрнидан турмоқчи бўлди. Паттачи аёл ойболтанинг сопидай қўллари билан унинг елкасидан босди. У ноилож қўллари қалтираб портфелини оча бошлади. Тек турмаётган гавдаси тебранар, бошини олдинги ўриндиқ тутқичига дамба-дам уриб оларди.

Бу орада икки марта эгилиб, йиқилишига сал қолди. Хайриятки, одамлар бор экан, ҳиммат қилиб, суяб қолишди. Ниҳоят, қийнала-қийнала портфелини очиб, ичидан муқоваси эскирган, саҳифалари ўрнидан кўчиб, шалвираб қолган китобни олиб титкилай бошлади.

— Нима Гўрўғлидан ўқимоқчимисан ё Алпомишданми?— деди паттачи кинояомуз.— Бечора-ей хотинингдан яширибсанда. Ё бугун ойлик олдингми? Мунчаям пишиққина бўлмасанг.

У бошини аста кўтариб, паттачига ярим юмуқ кўзларини сузиб қаради. Бир нима демоқчи бўлиб, тўнғиллаб қўйди. Яна бошини хам қилиб, китобни бетартиб варақлай бошлади.

Ниҳоят саҳифалар орасидан ғижимланган, қўлдан-қўлга ўтиб эскирган бир сўмлик кўринди. У ҳилвираб қолган пулни паттачига узатиб, китобни портфелига солди.

— Ма, издачи!— паттачи унга бир сиқим сариқ чақа узатди.

— Б-билет-чи?

— Мана, йиртгунча сабр ҳам қилмайсан-а? Ушла, деди паттачи йиртилган яримта билетни унинг тумшуғигача элтиб. Сўнг бош чайқаб нари кетди.

— Ким билет олмаган бўлса, узатсин!— Орқадагиларгаям тегишли... Ҳў, оқ соч, қизимка, тез-тез бўл!

Ширакайф чайқала-чайқала паттачи узатган қайтимни амаллаб санади. Сўнг тек турмаётган бошини кўтариб, паттачига қичқира бошлади:

— Қайтиминг о-олтмиш тийин-ку? Қ-қайтадан санаб к-кўргин, — деди чақаларни маҳкам қисиб олган қўлини чўзиб.

— Энди тинчгина ўтирсангиз-чи. Солиб қўйинг чўнтагингизга. Ё тавба одам ҳам... — деди ёнида ўтирган киши сертук қовоқларини осилтириб. «Сатқайи одам кет», дегандай зарда билан ойна томонга ўгирилди.

— Н-нима ишонмайсизми? М-мана ўзиз санаң. О-олинг.

Орқа эшик олдида турган паттачи одамларни туртиб-суртиб, унинг тепасига келиб олашақшақдай шақиллай бошлади:

— Оҳо, бу кишини қаранг-а? Яна қандай гапинг бор? Итдай ичиб юлиб, тухмат қилади. Энди шуниси етмай турган эди? Ҳой, шофёр, тўхтат автобусни! Бу пиянистa, туҳматчини тушириш керак. Тўполон қиляпти.

Автобус қаттиқ тормоз бериб, силкиниб-силкиниб тўхтади.

У эса, қисимидаги чақаларни одамларга узатиб, ялиниб-ёлворарди:

— Иш-ишонмасаларинг мана сананглар. Т-тўқсон тийин ўрнига, олтмиш тийин берган...

— Эшикни оч!— деди буйруқ оҳангида паттачи. Сўнг унинг елкасидан туртиб, «шарқ!» этиб очилган эшикдан итариб тушириб юборди. У чайқалиб тушаркан, қандайдир шашт билан орқасига ўгирилиб:

— М-ма, пул егур, имонсиз!— деди-да кафтидаги қайтимни паттачининг башарасига сочиб юборди. Ўзи эса, юриб кетган автобуснинг ортидан гандираклаб-гандираклаб кетди.

Паттачи ойнадан бир унга ва бир оёқлари остида сочилиб ётган чақаларга қараб бир зум серрайиб қолди. Сўнг обдон эгилиб, жон ҳолатда чақаларни териб ола бошлади.

Йўловчиларнинг баъзилари кулмоқчи бўлиб, лабларини ҳиссизгина қимирлатишди. Бошқалари эса ўзларини кўрмаганга солиб, тескари қараб олишди. Автобус эса қатнов сийраклашган оқшомги кўчалардан шитоб билан илгарилаб борарди.

Ашурали ЖЎРАЕВ.

● Ашурали Жўраев— 1956 йили Навоий областининг Навоий районидаги Жалойир қишлоғида туғилган. 1978 йили Тошкент Давлат Маданият институтини битирган. Ҳозир «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси редакциясида бўлим мудири бўлиб ишлайди.

● **Исмоил Тўхтамишев** — қашқадарёлик ёш шоир. Қарши чўлини ўзлаштирувчилар, замондошларимизнинг орзу ва интилишларини тараннум этувчи шеърлари республика газета ва журналларида чиқиб туради. «Чўл бойчечаги» шеърий тўплами муаллифи.

ҲАҚИҚАТ

Номинг улуғ, номинг мўътабар,
Тарих сен деб жангларга киргай.
Гап кетганда лекин баъзилар,
Борлигингга шубҳа келтиргай.
Майли, ишим кўчмасин осон,
Ҳеч кимсадан кутмасман шафқат.
Борлигингга келтиргум имон,
Эътиқодим — буюк Ҳақиқат.
Орзуларим ҳеч бўлмас тугал,
Айлантирар чўғга, оташга.
Ҳаёт йўли норавон, чигал,
Чорлагайдир доим курашга.
Қинғир йўллар гоҳ ташлаб соя,
Эгилдингу синмадинг ҳеч вақт.
Ўзингдирсан қадди тик қоя,
Эътиқодим — буюк Ҳақиқат.
Қаршилагай бир кун истиқбол,
Жой олганинг кўрдим юракка.
Одамлар кўп тўғри сўз, ҳалол,
Сен деб борар ўлимга тикка.
Иш тушганда ногоҳ бошингга,
Ёрдам қўлин чўзар беминнат.
Қуллуқ қилай мудом қошингда,
Эътиқодим — буюк Ҳақиқат.
Улуғ номинг дилга қилиб жо,
Ҳар нарсадан қўюрман устун.
Юрагимга сен солган оташ,
Гулхан бўлиб ловуллар бу кун.
Ишонаман юрар йўлинг кенг,
Қуршаб олгунг дунёни албат.
Хитоб этгунг: Интил, кураш, енг,
Эътиқодим — буюк Ҳақиқат.

ЧЕКИНИШ

Илож топмай қолса жангда мард ўғлон,
Чекинади тўпламоқчун катта куч.
Қаддин ростлаб топганида сал имкон,
У барибир душманидан олар ўч.
Баъзан қолсак давраларда баҳс қилиб,
Гап ҳам қочар тортишганда, чиндан, ҳай.
Ҳақ бўлсакда ён берамиз, вақт келиб,
Деймиз, балки хатосини тушунгай.
Чавандозлар пойгасида пурвиқор,
Ғолибликни истаб олға еламиз.
Ногаҳонда ўзиб кетса бир шунқор,
Олқишлаймиз, муросага келамиз.
Беллашувда устун келса гоҳ рақиб,
Қуллуқ қилиб, тан берамиз бериб қўл.
Лекин, фақат бу ҳаётда дилбарим,
Муҳаббатда чекинмоққа йўқдир йўл.

Исмоил ТЎХТАМИШЕВ.

Баҳор келар

● **Учқун** — Олмаота шаҳрида яшаб ижод этаётган уйғур шоирларидан биридир. У уйғур тилида чоп этилган «Сўқмоқлар», «Ҳаёт қўнғироғи» сингари шеърий китобларнинг муаллифидир.

Нозли қиз мисоли жилва қилар тонг,
Тоғлар чўққисида гулханлар ёқиб.
Водийда кўз очиб, уйғонар ҳар жон,
Баҳор келаётир чечаклар тақиб.
Баҳор келар сойнинг шўх суви бўлиб,
Майсалар бўй чўзиб, қўл силкир шодон.
Баҳор табиатнинг хуш куйи бўлиб,
Юракларда қўзғар ажиб ҳаяжон.
Гўдак чеҳрасида шўх кулгу — баҳор,
Ошиқ дилда пайдо у туйғу—баҳор.
Бизни гўзалликка ошно этиб,
Сўнгра беркингувчи бир оҳу—баҳор.
Фасллар айланар, кутаман муштоқ,
Баҳор севгисидан кўнгил узмайман.
Мана, кулиб боқар оташин кўзлар,
Мен-чи,
Бу кўзлардан баҳор излайман.

УЧҚУН.

ТЎРТЛИКЛАР

На шайтон иғвоси менга кор этар,
На маддоҳ тақвоси қулоққа етар.
Дилимда шеър бўлсин, дўстлар қошимда,
Бошқаси ел каби ўтару кетар.

* * *

Ватандан гўзалроқ юрт бўлмас асло,
Бир чимдим тупроғи гавҳардир ҳатто.
Ўзгалар элининг Эрам гулидан,
Ўз ерим янтоғи минг марта аъло.

Аҳмад ОЛИМИЙ.

САДОҚАТ

Икки қуш юксакда учарди шодон,
Бирини ўқ билан қулатди сайёд.
Шериги кетолмай чарх урар нолон,
Жонсиз тана узра айлагай фарёд.

Ва кейин кўк сари этдию парвоз,
Юксакдан қуйига шўнғиди шу дам.
Сўнгги бор оҳ тортиб, бердию овоз,
Жуфтин ёнбошида жон берди у ҳам.

Бахтиёр РАИМОВ,
Навоий области.

ОНА ТУПРОҚ

Бағрингни яшнатиб эй, она тупроқ,
Дилрабо баҳорлар келиб кетади.
Мушкул сендай оёқ остида турмоқ,
Ахир не одамлар босиб ўтади.
Давронлар келади, сен ўша-ўша,
Йиллар-ку айланар чархпалакдай.
Ким учун Ватансан, ким учун гўша,
Ким учун оддийсан, кимга юракдай.
Не келса қувондим, кетса ўкиндим,
Эзгулик сен билан қоларкан бироқ.
Ҳаёт нисбий экан, мен бунга кўндим,
Фақат сен боқийсан эй, она тупроқ.

Давлатмурод САЪДУЛЛАЕВ.

Кўзларингдан таралар ёғду...

Кўзларингда порлаган жоду,
Сингимоқда нур бўлиб менга.
Шундай нурки, ҳатто қуёш ҳам,
Ёрқинликда тенг келмас унга.
Ул кўзларинг бир жуфт юлдуздир,
Интиламан унга бесамар.
Жилвасидан тун ҳам кундуздир,
Шуъласидан юрагим ёнар...

Муҳайё МИРСАИДОВА.

САККИЗЛИКЛАР

Гоҳ чўзилиб қишнинг муз-қори,
Қуёшини соғинар тупроқ.
Сенсан менинг ёлғиз баҳорим,
Баҳоримсан, келмайсан бироқ.
Мени четлаб ўтасан доим,
Термуламан ортингдан хумор.
Бунча маъюс, бунча мулойим,
Менга насиб бўлмас бу баҳор.

* * *

Боғ айланиб юрибман танҳо,
Шамол аста сийпар юзимни.
Мана ҳозир бўласан пайдо,
Бир зумгина юмсам кўзимни.
Бир зум... Яна кетасан қайтиб,
Яна якка қоламан ўзим.
Улгурмайман сўзларим айтиб,
Сўнг келмайсан юмсам ҳам кўзим.

Муҳаббат ИБРОҲИМОВА.

«БАҲОР ҚУВОНЧИ».

Т. Каримов фотоэтюди.

● НАСРДАГИ НАЗМЛАР

БАХТИЁР

ЭЛИМ ИСТАГИ

Бугун мудрама дунё. Бугун сен мудрама тинчликсевар қалб. Бугун озгина кўз юмсанг, ўз сўзингдан қайтсанг, шафқат этмас шумниятлилар. Сен алла айтолмайсан невараң қаршисида сокин, осуда. Сен бугун жаҳон ташвишини ўйлашинг керак, деҳқон. Сенинг оқ пахтангдан кийинсин ер юзи, сенинг оқ тилагингдан ёришсин олам.

Уруш айирганди онани жони-жаҳони фарзандидан. Уруш кўз ёши бўлиб оққан бобомларнинг ўтли нигоҳидан. Уруш қон бўлиб силқиган мардларнинг кўксидан. Уруш гўдакларни қувончдан, шодликдан айирган, дилини пора этган. Мажруҳ айлаган руҳини, жисмини беаёв.

Бугун сен мудрама дунё. Бугун сен мудрама тинчликсевар қалб. Жаҳонга тинчлик керак. Қадоқ қўлли деҳқон истайди шуни. Бахтиёр элим истайди шуни.

БЕПАРВОЛИК

Кимдир бўлиқ бир уруғни асфальтга ташлаб юборди. Бир зумлик бепарволик сабабли уруғ азоб-ла қуёшда қуриди. Бир зумлик меҳрсизлик, бир онлик бешафқатлик сабаб шода-шода мевалар бергувчи эзгулик уруғидан асар ҳам қолмади. Биргина кичик уруғга ўзига яраша жой ва қанчадан-қанча меҳр керак. Унинг униб-ўсиши учун!

Дунёда меҳр, оқибат уруғларининг кўпайиши учун бепарволик ёт бўлсин қалбларга!

ҚЎҒИРЧОҚ

Йўловчилар ўз ташвишлари оғушида у ёқдан бу ёққа қатнамоқдалар. Йўл четида эса қўғирчоқ ушлаган қизча турибди. У ҳали жуда кичик. Тили чучук. Жажжи бармоқчалари билан қўғирчоқни силайди. Унинг ҳақиқий чақалоққа айланиб қолишини истайди. У беғубор туйғулари оғушида маст. Бутун олам шу гўдакка айланиб, қўғирчоқ ушлаб тургандай назаримда. Лекин ҳамма ўз юмуши билан овора. Серқатнов кўча! Йўловчилар ўз ташвишлари билан шошилмоқда...

БУРГУТ ПАРВОЗИ

Бургут жасоратидан шубҳаландилар. Парвозига ишонмадилар. Бургут парво этмади.

Унга қарата ўқ уздилар. Нишонга олиб юрагини. У яна дадил парвоз этди самода.

Олам қаҳ-қаҳ уриб кулди унинг жасоратидан. Бургут қора қузғунларга ем бўлмади, дадил парвоз этди самода.

Бўронлар, тўфонлар таҳдид қилдилар. Аммо чўчита олмадилар. Бургут ҳамон юксак-юксакларда қанот қоқади.

Шунинг учун бўлса керак, боболар набираларига бургутдай парвоз тилайдилар, фақат бургутдай парвоз.

Умринисо АСҚАРОВА.



● ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

АЖОЙИБ УЧРАШУВЛАР

А. А. Брянцев номли Ленин орденли, Ленин комсомоли мукофоти лауреати Ленинград ёш томошабинлар театри 60 йилдан кўпроқ даврдан буён ўзининг ажойиб саҳна асарлари билан минг-минглаб ёш томошабинларни хушнуд этиб келмоқда. Бу театр санъаткорларини мамлакатимизнинг барча бурчакларида яхши билишади. Болгария, Польша, Югославия: Англия, Франция ва бошқа мамлакатларнинг томошабинлари ҳам театр санъатидан кўп бор баҳраманд бўлган.

Ўзбекистон пойтахтига биринчи бор ижодий сафар билан келган машҳур театр коллективи тошкентлик санъат мухлислари билан учрашувга катта тайёргарлик кўрдилар. Театр репертуаридан муносиб ўрин олган ажойиб саҳна асарлари Тошкент томошабинлари эътиборига ҳавола этилади. Бу спектаклларнинг ҳар бири етук саҳна усталари билан ажойиб учрашувларга бой бўлади.

1922 йилнинг 23 февралида петроградлик ёшлар катта ҳаяжон билан П. Ершовнинг қувноқ эртаги асосида тайёрланган «Букри тойчоқ» спектаклини томоша қилишган эди. Бу ёш томошабинлар театрининг ўз мухлисларига туҳфа этган дастлабки саҳна асари эди.

Ана шу театрда ўз фаолиятини бошлаган кўпгина санъаткорлар орасидан мамлакатга машҳур етук саҳна усталари етишиб чиққан. Ушбу театрда биринчи марта Дон Кихот ролини ижро этган Н. Черкасов, Санчо Пансо образини яратган Б. Чирковлар эндиликда СССР халқ артистларидир. Таниқли болалар шоири С. Маршакнинг дастлабки ижодий фаолияти шу театр билан боғлиқ. А. Бруштейн, В. Качерин, Е. Шварц, В. Катаев, Е. Крон каби ёзувчи ва драматурглар ўзларининг дастлабки саҳна асарларини ана шу театр томошабинлари эътиборига ҳавола этганлар.

Театр репертуаридаги асарларнинг кўпчилиги ўсмирларга ҳам мўлжалланган. Ш. Перро эртаги асосида тайёрланган «Салом, жаноб Перро!», Р. Киплингнинг «Ўз-ўзича саёҳат этган мушук», Ф. Зальтеннинг «Бемби» каби спектаклларида ёшларни ҳаётдаги эзгу нарсалар ҳақида чуқурроқ ўйлашга ўргатадиган, масъулият ва ишончни мустаҳкамлайдиган муҳим масалалар талқин этилади. Бу саҳна асарларида инсонни ва табиатни севиш, ўз танлаган йўлига ишонч ва жасорат тўғрисида ҳам қизиқарли ҳикоя қилинади.

Тошкентлик санъат мухлислари В. Шекспирнинг «Хатолар комедияси» спектаклини ҳам томоша қиладилар. «Икки хил савдо» ва «Донна Анна ҳузурида меҳмонда» каби спектаклларда эса ёшларнинг ҳаётдаги дастлабки мустақил қадамлари, эндигина мактабни битираётган ёшларнинг муҳаббати, уларда юксак ахлоқий принципларни камол топтириш ҳақида гап боради.

«Катталарга болалар ҳақида» мавзусидаги саҳна асарлари ҳам Ленинград ёш томошабинлар театри репертуаридан муносиб ўрин олган. Шу сабабли театр санъаткорларининг катта ёшдаги томошабинлар билан ижодий учрашувлари ҳам яхши анъанага айланган.

Тошкентликлар ҳузурида ўз санъатини намойиш этадиган Ленинград ёш томошабинлар театри санъаткорлари билан учрашув ажойиб таассуротларга бой бўлади.

* * *

СУРАТДА: Ленинград ёш томошабинлар театрининг «Бизнинг цирк» спектаклидан саҳна.

● МАДАНИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ҲАФТАЛИГИ

Республикамизда 10—17 апрель кунлари тасвирий санъат ҳафталиги ўтказилади. Бу йилги анъанавий ҳафталик Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги ва немис-фашист босқинчилари устидан қозонилган ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган.

— Тасвирий санъат ҳафталиги программаси ранг-баранг,— дейди Ўзбекистон ССР Рассомлар союзи правлениесининг секретари Н. К. Азизова. — Ижодий союзларда, олий ўқув юртлари, кутубхоналарда турли кўргазмалар, таниқли рассомлар билан ижодий учрашувлар ўтказилади. Ҳафталик бошланишида Рассомлар союзининг марказий салонида халқ усталари ижодига мансуб ранг-баранг асарларнинг савдо кўргазмаси ташкил этилади. Архитекторлар союзининг кўргазмалар залида монументалчи рассомлар, республикада хизмат кўрсатган санъат арбоблари В. Бурмакин ва А. Кедрин, Тошкент Давлат университетининг физика факультетида рангтасвир устаси Б. Токмин, пойтахт областининг Ғалаба районидаги Свердлов номли колхозда жанрли композициялар ва манзара санъати устаси Т. Пирматов, Фарғона областининг Рапқон қишлоғида портретчи рассом И. Турсунназаров асарлари кўргазмаси, Самарқанд шаҳридаги кўргазмалар залида эса республикада хизмат кўрсатган рассом Рашид Темировнинг юбилей кўргазмаси ташкил этилади.

17 апрелда Ўзбекистон ССР Рассомлар союзида график рассом, республика халқ рассоми Искандар Икромов хотирасига бағишланган кеча ўтказилади. Бундан ташқари, санъат мухлислари учун Рўзи Чориев, Жавлон Умарбеков, Баҳодир Жалолов ва бошқа таниқли рассомларнинг устахоналарида ҳам ижодий учрашувлар ташкил этилади. Тасвирий санъат ҳафталиги программасидан ўрин олган бошқа тадбирларда ҳам томошабинлар республикамиз тасвирий санъат усталарининг янги асарлари билан танишадилар. Мўйқалам соҳиблари ижодидаги янги тенденциялар, услуб ва анъаналар тўғрисида ўз таассуротларини бойитадилар.

СУРАТДА: рассом Янис Салпинкидининг республика Киночилар уйи кўргазмалар залида намойиш этилаётган асарларидан бири — «Гуллар» картинаси.

● *Бизнинг интервью*

ҚАЛДИРҒОЧЛАР ҚАНОТ ҚОҚМОҚДА

Станислав Алексеевич Жукни мамлакатимиздаги спортчиларгина эмас, кўп мамлакатлардаги мутахассислар, фигурали учиш мухлислари ҳам яхши билишади. Бир неча марта СССР чемпиони, Европа чемпионатларининг бир неча марта совриндори, фигурали учиш бўйича бутун бир авлодни вояга етказган киши.

Тошкентда ўтказилган фигурали учиш бўйича СССР шахсий чемпионатига С. Жук москвалик қобилиятли спортчилар Марина Австрийская ва Юрий Квашнинни олиб келди. Мухбиримиз фигурачиларнинг устози билан учрашиб, ундан бир неча саволларга жавоб беришни илтимос қилди.

ЧЕМПИОНАТ СССР ПО ФИГУРНОМУ КАТАНИЮ НА КОНЬКАХ · ТАШКЕНТ-1984 ·

— Станислав Алексеевич, Сиз иккинчи марта Тошкентга келдингиз. Қандай таассуротдасиз?

— Тўғрисини айтганда 1975 йили республикангиз пойтахти менга манзур бўлган эди. Ўшанда бу ерда фигурали учиш бўйича СССР Кубоги мусобақалари ўтказилган эди. Тошкент жуда йирик қурилиш майдонини эслатарди. Ҳеч бир шаҳарга ўхшамайдиган янги, ўзига хос, кўркам шаҳарнинг белгилари кўзга ташланиб турарди. Тошкентликларнинг хушмуомала ва меҳмондўстликлари ҳақида тўхталмасак ҳам бўлади. Буни тошкентлик томошабинлар фигурали учиш қатнашчиларининг машқ бажаришини давомли қарсаклар билан олқишлаб турганидан ҳам билиб олса бўлади. Ҳамма жойда спортнинг бу нафис турига иштиёқ билан қаралаётганлиги сезилиб турибди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас.

— Спорт ҳақида, хусусан фигурали учиш ҳақида суҳбат бораркан, тошкентликларнинг мамлакат чемпионатидаги иштироки ҳақида тўхталиш лозим бўлади.

— Тошкент фигурали учиш бўйича ҳали Москва, Ленинград, Свердловск ва бошқа шаҳарларга тенглаша олмайди. Аммо Ўзбекистонда йирик мусобақаларда мамлакатимиз спорти шарафини дадил ҳимоя қилаётган спортчиларнинг пайдо бўлиши қувончли ҳолдир. Бунга Ирина Шишова ва Алексей Сулаймоновдан иборат спорт жуфтлигини мисол келтириш мумкин. Бу жуфтликнинг келажаги порлоқ. Улар эндигина қанот қоқишни бошлашмоқда. Шу боисдан ҳам уларни қалдирғочга қиёс қилиш мумкин. Улар менга ёқиб қолди. Ўйлайманки, «Юбилейный» Марказий спорт залининг спорт машғулот базаларидан унумли фойдаланилса, мамлакатимиздаги фигурали учиш усталарининг сафи янада кенгаяди. Янги мастерлар етишиб чиқади...

— Станислав Алексеевич, Сиз фигурали учиш бўйича ўтказилган жуда кўп йирик мусобақаларни кўргансиз. Шу маънода, Тошкентда СССР чемпионати қандай ташкил қилинди деб баҳолайсиз?

— Ҳар бир мусобақани ташкил этишнинг ўзига хос ютуқ ва камчилиги бўлади. Шу нуқтаи назардан олганда Тошкентдаги чемпионат юксак савияда ташкил этилди ва катта таассурот қолдирди. Ташкилотчиларнинг мусобақаларни ҳақиқий спорт байрамига айлантириб юборганига қойил қолиш керак. Қисқа қилиб айтганда, беллашувлар талаб даражасида ташкил этилди. Шунинг учун ҳам тошкентликларга катта раҳмат, деймиз!

М. ГОРБАЧЕВ.

* * *

СУРАТДА: СССРда хизмат кўрсатган тренер С. Жук.

Х. Мирзакаримов фотоси.

БИЛДИРИШ

Лекция пропагандасида пропаганданинг техника воситаларини қўллаш методикаси факультети тингловчилари диққатига.

10 апрель соат 17.00 да лекторлар уйида (Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти, 13) «Овоз ёзишни қўллаш методикаси» мавзуида лекция ўқилади. Лектор — «Билим» жамияти лектори М. Золотова. Лекцияда кинофильмлардан фойдаланиш масалалари бўйича семинар машғулотлари. Раҳбар—Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти правлениеси методика бўлимининг мудири С. Ситникова.

Халқаро мавзуларда лекция ўқувчи лекторлар тайёрлаш факультети тингловчилари диққатига (ўзбек тилида).

11 апрель соат 17.00 да «Билимлар уйи»да «Ҳозирги босқичдаги идеологик кураш» мавзуида лекция ўқилади. Лектор— фалсафа фанлари кандидати И. Рамазонов. Иккинчи лекция —«Покистоннинг ички ва ташқи сиёсати». Лектор — фалсафа фанлари кандидати С. Йўлдошев.

Редактор
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

11, 12 АПРЕЛЬ СОАТ 19.30 ДА

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ, ШОИР ВА ДРАМАТУРГ

ЎТКИР РАШИДнинг ИЖОДИЙ КЕЧАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

БУТУНИТТИФОҚ ПРОФЕССИОНАЛ БАДИИЙ КОЛЛЕКТИВЛАР КЎРИГИ-КОНКУРСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИ

Ўзбекистон ССР халқ артистлари:
КАМОЛИДДИН РАҲИМОВ, ҲАБИБА ОХУНОВА, ЭРГАШ ЙЎЛДОШЕВ, МУҲАББАТ ШАМАЕВА, ДИЛАФРЎЗ ЖАББОРОВА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:
ТАВАККАЛ ҚОДИРОВ, МАЛОҲАТ ДАДАБОЕВА, ИКРОМЖОН БЎРОНОВ, НАИМА ПЎЛАТОВА, ҚИЗЛАРХОН ДЎСТМУҲАМЕДОВА

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари:
АКА-УКА ИСМОИЛЖОН ВА ИСРОИЛЖОН ВАҲОБОВЛАР.
ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ НАРЗИДДИН ШЕРМАТОВ

Солистлар: Фахриддин УМАРОВ, Комилжон БАРАТОВ (фақат 11/IV да), **Абдурауф ОЛИМОВ, Ҳожиакбар ҲАМИДОВ, Мавлуда ОЙНАҚУЛОВА, Дилором ҚАЮМОВА.**

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

«ШОДЛИК» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Қодир МЎМИНОВ.

Музика раҳбари — Исматулла РАҲМАТУЛЛАЕВ.

Билетлар концерт зали кассасида соат 15.00 дан сотилади.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг
127-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1984-85 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Эркаклар устки кийимларини тикувчи. Ўқиш муддати — 2 йил, 2,5 йил; эркаклар ва болалар кийимларини тайёрловчи тикувчи-мотористка. Ўқиш муддати — ўрта маълумотлилар учун 1 йил, ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида шу соҳа бўйича таълим олганлар учун 6 ой, 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун эса ўқиш муддати — 3 йил; тикувчи-мотористка (трикотаж ишлаб чиқариш бўйича). **Ўқиш муддати— ўрта маълумотлилар учун 8 ой, 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун 2 йил.**

Билим юртида 3 йил ўқиб битирганларга эгаллаган касби ва тўлиқ ўрта маълумот олганлиги ҳақида диплом берилади.

8 синф ҳажмида маълумот билан ўқишга кирганлар тўла давлат таъминотида бўладилар, ўрта маълумот билан кирганларга эса ҳар ойда 30 сўмдан стипендия, ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларини битириб келганларга эса ҳар ойда 70 сўмдан стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида ўқувчилар ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 процентини оладилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 286-формадаги медицина справкаси, билим юрти директори номига ёзилган ариза, 3x4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат, мактабдан характеристика, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат.

Паспорт ёки туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

МУРОЖААТ УЧУН АДРЕСЛАР:

Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 60-уй (2, 16, 22, 23, 28, 3, 16-трамвайлар; 2, 9, 10, 17, 26, 56, 57, 60, 72, 88-автобусларнинг «Олой бозори» бекати).

Тошкент шаҳри, Магазин—Мавзук кўчаси, 136-уй (27-трамвай; 10, 43, 88, 102-автобусларнинг «Шимолий Олмазор» бекати). Телефон: 35-62-41.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг
трамвай-троллейбус бошқармаси
1-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ
(Т. Шевченко кўчаси, 28-уй)
ТРОЛЛЕЙБУСЛАРНИНГ ҲАЙДОВЧИСИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН
КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 5 ой.

Ўқиш вақтида курсантларга ҳар ойда 70 сўм миқдорида стипендия берилади.

Курсантлар, сўнгра ҳайдовчилар шаҳар трамвай ва троллейбусларида бепул юриш ҳуқуқидан фойдаланадилар. Бошқа шаҳарлардан келган ёлғиз кишиларга депо яқинида жойлашган ётоқхонадан жой берилади.

Курсантлар ва ҳайдовчилар тўла таннархининг 50 процентини тўлаш йўли билан формали уст кийим билан таъминланадилар.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг
ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИ 243-ЗАВОДИ ҲУЗУРИДАГИ
121-АВИАРЕМОНТ ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1984-85 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА
ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Учиш аппаратлари ремонти бўйича слесарь, авиа двигателлари бўйича слесарь, учиш аппаратлари ускуналари бўйича электромонтажчи, механика-йиғув ишлари бўйича слесарь, токарь, газэлектр пайвандчи.

8-синф ҳажмида маълумотлилар 3 йил, ўрта маълумотлилар эса 1 йил ўқийдилар.

Билим юрти юқорида кўрсатилган ихтисослар бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлайди.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ ТОШКЕНТЛИК ВА ТОШКЕНТ АТРОФИДА ЯШОВЧИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Билим юртини тугатганлар граждан авиацияси 243-авиаремонт заводида ва граждан авиацияси Ўзбекистон бошқармаси бўлимларида ҳамда шаҳардаги бошқа корхоналарда ишлайдилар.

Билим юртини битирганлар отпуска даврида самолётда учиш учун имтиёзли билет ва граждан авиацияси ходимлари учун белгиланган бошқа имтиёзлардан фойдаланадилар.

3 йил ўқийдиганлар ўқиш даврида тўла давлат таъминотида бўладилар ва граждан авиацияси учиш формаси билан таъминланадилар.

1 йил ўқийдиганларга ўқиш даврида ҳар ойда 68 сўмдан 80 сўмгача стипендия берилади. Бошқа шаҳардан келган ўрта маълумотлилар ётоқхона билан таъминланадилар.

8-синф ҳажмида маълумот билан ўқишга кирганларга ётоқхона берилмайди.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар институт ва техникумларга ўқишга юбориладилар.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 286-формадаги медицина справкаси, 3x4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат, ўқиш жойидан характеристика.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) **СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Авиасозлар шаҳарчаси, (39, 25, 61, 66, 111 автобусларнинг «Авиасозлар шаҳарчаси», 20, 10-трамвайларнинг «Транспорт институти» бекатлари). Телефонлар: 99-94-50, 99-96-93, 99-96-46.

М. Қорнёқубов номли ўзбек давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

9, 10 АПРЕЛЬ, СОАТ 19.30 ДА

«ХАНДА» АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТИ

ПРОГРАММАДА:

«ҚУЛГИ КИРГАН УЙГА, ҚАЙҒУ КИРМАГАЙ»
(икки бўлимдан иборат сатира ва юмор эстрада томошаси)

Сценарий муаллифлари: Ҳайдарали УЗОҚОВ, Шерқўзи ҒОЗИЕВ.

ҚАТНАШАДИЛАР:

Солистлар: **Шерқўзи ҒОЗИЕВ, Аъзам ҒОЗИЕВ, Ғайбулла МЕЛИЗИЁЕВ, Малика ШАРИПОВА, Розия НАЗАРОВА, Санобар РАҲИМОВА, Ўсар ЮСУПОВ, Қурбонали ТИЛЛАЕВ, Насиба ЭСОНОВА.**

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Музика раҳбари Мирсалим МУҲАММАДЖОНОВ.

Программани—Мамасоли ХОЛМАТОВ ва Зайниддин ОМОНОВлар олиб борадилар.

«УЗПРОМВЕНТИЛЯЦИЯ» трестининг
ЎҚУВ КОМБИНАТИ
3-ОЙЛИК КУРСЛАРГА
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Курсларда вентиляция ва ҳавони мўътадиллаштириш системалари монтажи бўйича слесарь-вентиляциячилар, вентиляция системаларининг деталларини тайёрлаш бўйича слесарь-вентиляциячилар.

17,5 ДАН 40 ЁШГАЧА БЎЛГАН 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ КИШИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Қабул кириш имтиҳонларисиз ўтказилади.

Курсларга қабул қилинганларга ойига 76 сўм миқдорида стипендия тўланади.

ЎҚИШ ВАҚТИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

КУРСЛАРНИ БИТИРГАН КИШИЛАР «УЗПРОМВЕНТИЛЯЦИЯ» ТРЕСТИ ТАШКИЛОТЛАРИГА ИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: паспорт, ҳарбий билет ёки қайд этилганлик гувоҳномаси, меҳнат дафтарчаси, справкалар: турар жойидан, саломатлиги тўғрисида; 3 дона фотосурат (3x4 см. ҳажмида).

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Қуйидаги адресга мурожаат этилсин: 700047, Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй, 3-қават, 5-хона.

«СПЕКТОР—738» НАМОЙИШ ҚИЛАДИ

10-МАКТАБ-МАГАЗИНИ
(Муқимий кўчаси, 1-уй).
10—15 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ
«СПЕКТОР—738» РАНГЛИ ТЕЛЕВИЗОРИНИНГ
САВДО КЎРГАЗМАСИНИ ЎТКАЗАДИ

«Спектор—738» рангли телевизори томошабинлар орасида оммалашиб кетган «Темп» маркали телевизорларнинг энг яхши анъаналарини ўзида мужассамлаштирган бўлиб, уларни ҳам Саранск телевизион заводи тайёрлаб чиқармоқда.

«СПЕКТОР—738» конструкциясига кўра лампали, ярим ўтказгичлидир. Унда интегралли микросхема қўлланилган. СКМ—24 блоки кўрсатилаётган телевизион программаларни қабул қилишни катталаштириб беради. Бир қатор автоматик созламалари экранда тасвирининг ҳамма вақт равшан бўлишини таъминлаб туради. Сенсор қурилмаси ёрдамида исталган программага оҳиста ва тез ўтиш мумкин.

БУ МАРКАЛИ ТЕЛЕВИЗОРЛАРНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ:

юқори даражада сезгир;
бегона тасвир ва шовқинни қабул қилмайди;
тасвирни юқори сифатли қилиб кўрсатади.

10—15 апрель кунлари сотилган телевизорларнинг кафолотли муддатига яна қўшимча 6 ой узайтириб берилади.

Кўргазманинг якунловчи иш кунида харидорлар конференцияси ўтказилади.

10-мактаб-магазинининг адреси: Муқимий кўчаси, 1-уй.
Иш соатлари: 10.00 дан 19.00 гача.
Танаффус: 14.00 дан 15.00 гача.
Якшанба дам олиш куни.

«ТАШҚУЛЬТТОРГ» (телефон 91-18-79).

ТОВАРЛАР—ХАЛҚҚА!

«СЛАВА» соатларининг аниқ юриши, ишончлилиги ва чиройли безакланганлиги фақатгина мамлакатимизда эмас, балки чет элларда ҳам кенг шуҳрат таратди.

10—15 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ
ТОШКЕНТ БОШ УНИВЕРМАГИДА
МОСКВАДАГИ 2-СОАТСОЗЛИК ЗАВОДИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН
«СЛАВА» МАРКАЛИ СОАТЛАРНИНГ

САВДО-КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Бу соатлар орасида эркаклар ва хотин-қизларнинг замонавий моделда ишланган, корпуслари хромли ва олтин суви югуртирилган, ранг-баранг безакли, календарь қурилмали қўл соатлари ва соат-кулонлари бор.

Бу соатларнинг кўпгина моделлари давлат сифат белгисини олишга сазовор бўлган.

Савдо-кўргазмаси чоғида тайёрловчи заводнинг вакиллари қатнашиб, сизнинг соатларнинг сифати ва уларнинг ташқи безаклари юзасидан фикрларингизни бажонидил тинглашади.

САВДО-КЎРГАЗМАСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ГУМ (телефон 42-27-39).

СИЗГА ЯҚИН БЎЛГАН КИШИЛАР СИЙМОСИНИ КЕЛАЖАК УЧУН САҚЛАБ ҚОЛИШ, ҲАЁТИНГИЗНИНГ ҚИСҚА ВА ҚАЙТАРИЛМАС ЛАҲЗАЛАРИ МУҲРЛАНИБ ҚОЛИШИНИ ИСТАЙСИЗМИ?

УНДА ФОТОАППАРАТ СОТИБ ОЛИНГ

«ЗЕНИТ-11» — ЎЗИДА ЎРНАТИЛГАН ЭКСПОНОМЕТР ВА «САКРОВЧИ» ДИАФРАГМА ОБЪЕКТИВИГА ЭГА БЎЛГАН КИЧИК ФОРМАТДАГИ КЎЗГУЛИ ФОТОАППАРАТДИР.

Унинг ёрдамида 35 миллиметрли оқ-қора ва рангли тасвирдаги пленкаларга сурат олиш мумкин.



УНИНГ ИЛГАРИ ЧИҚҚАН МОДЕЛЛАРГА НИСБАТАН АФЗАЛЛИГИ:

— орқа қопқоғининг яширинган қулфи;
— пленкани орқага ўрашнинг ичкари тушадиган кнопкаси;
— затворни ҳаракатлантирганда ва ўчирганда айланмайдиган видержкани созлаш мосламаси;
— рулетка тарзида рукоятка билан пленканинг орқага ўралиши;
— лампа-вспишканинг симсиз ўрнатилиши.

ТЕХНИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

— объективи «Гелиос — 44 М»;
— фокус масофаси 58 миллиметр;
— нисбий туйнукчаси 1:2;
— фокус ўрнатиш чегараси 0,5 м;
— видержка диапазони 1/30 — 1/500 секунд, «Б»,
— оғирлиги 0,95 кг;

Баҳоси — 140 сўм.

«ЗЕНИТ—ТТЛ» КЎЗГУЛИ ФОТОКАМЕРАСИ ЮҚОРИ СИФАТЛИ ФОТОСУРАТЛАР ОЛИШГА КАФОЛАТ БЕРАДИ.

Бу фотоаппарат ёрдамида портрет, пейзаж типидаги суратларни муваффақият билан ишлаш мумкин, агар қўшимча объективлар ва узайтирувчи ҳалқалардан фойдаланилса чизмалар, қўлёзмалар, майда предметларни суратга олиш, катталаштирилган ифодалар ҳосил қилиш, микроскоп билан суратга олиш имкони туғилади.

ЭЛЕКТРОН ҚУРИЛМА ВА «САКРОВЧИ» ДИАФРАГМАЛИ ОБЪЕКТИВИ ТУФАЙЛИ «ЗЕНИТ—ТТЛ» ЭКСПОЗИЦИЯЛАРНИ ЮКСАК ДАРАЖАДА АНИҚЛИК БИЛАН ИШЛАШНИ ТАЪМИНЛАЙДИ, БУ АЙНИҚСА РАНГЛИ ПЛЕНКА БИЛАН СУРАТГА ОЛИШДА МУҲИМДИР.

Аппаратнинг ушбу афзалликлари қаторида яна бир неча устунликларини санаб ўтиш мумкин: пленкани оддийгина зарядкалаш, уни ўрашнинг қулайлиги, лампа-вспишка билан ишлашда синхронизаторга эгалиги, автоспуск мавжудлиги.

Баҳоси — 210 сўм.

«РАССВЕТ» МАРКАЗИЙ РЕКЛАМА-КОММЕРЦИЯ ТАШКИЛОТИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24 (25).

ТВ

душанба

9 АПРЕЛЬ

● МТ I

18.00 Жаҳон халқларининг ижоди (Ҳиндистон).
18.45 «Керчь. Хотира ва шон-шуҳрат». Телефильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Ф. Мендельсон. «Ёз кечасидаги туш». Чех филармониясининг симфоник оркестри ижро этади.
19.45 «Ишлар ва одамлар».
20.25 «Жадаллаштириш». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм премьераси. П. Загребельний романи асосида. 1-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Қалбга яқин қўшиқлар».
22.45 «Футбол шарҳи».
23.15 «Дунё воқеалари».
23.30 Балиқ ови спорти бўйича халқаро мусобақалар.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 Бадиий гимнастика бўйича СССР чемпионати. Томскдан олиб кўрсатилади.
19.30—20.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!».
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 «Территория». Бадиий фильм.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.30 Ўсмирлар учун. «Орзу».
19.00 Совет Армияси жангчилари учун. «Ёдимизда ва қалбимизда ҳамиша» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Ижод саҳифалари». Н. В. Гоголь туғилган кунининг 175 йиллигига.
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Г. Жўраева ва А. Шукуров концерти.
21.30 «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 Фигурали учиш бўйича СССР чемпионати. Кўргазмали чиқишлар. Ёзиб олинган репортаж.
Кўрсатув тугагач — Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 Телефильм.
18.40 «Қизиқувчилар экрани».
19.10 «Комсомольск-Днепр», «Тошкесувчилар». Телефильмлар.
19.45 Врач маслаҳати.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Эртага — премьера». Кинокўрсатув (такрорий).
21.30 МТ II

сешанба

10 АПРЕЛЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Мактаб ўқувчиларининг икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси В. А. Жонибеков билан учрашуви.
10.25 «Жадаллаштириш». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
11.30 «Эртанги кун топшириғи». Мактаб ўқувчиларининг касбларга йўналтириш ва меҳнат тарбияси ҳақида телефильм.
12.00 Монголия бадиий коллективларининг концерти.
12.30 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Довюраклик ва ростгўйлик билан». Телефильм премьераси.
15.55 «Сенинг ленинча кутубхонанг». В. И. Ленин. «Лев Толстой, рус революциясининг кўзгуси сифатида».
16.40 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
17.10 «Уфқ». «Дадам, ойим ва мен — спортчилар оиласи».
18.10 Концерт.
18.25 «Агар соғлом бўлай десанг». 3-кўрсатув.
18.40 Хоккей бўйича «Швеция кубоги» халқаро турнири. СССР — Франция терма командалари. 2-ва 3-даврлар. Швециядан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (19.15). — «Дунё воқеалари».
20.05 Концерт.
20.20 «Жадаллаштириш». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Вақти келди». Телефильм премьераси.
22.55 Концерт.
23.25 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Мовий гектарлар». Телефильм.
11.40 В.Луговской поэзияси.
12.20 «Москва бўйлаб саёҳат. Ленин проспекти». Илмий-оммабоп фильм.
12.40 «Шахмат мактаби».
14.40 «Йўлсиз жойларда». Илмий-оммабоп фильм.
14.55 «Звездочёт». Тележурнал.
15.30 Совет драматургиясида В. И. Ленин образи. М. Горький номли Ленинград театрининг «Такрор ва такрор ўқиб» спектакли саҳифаларида.
16.20 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.45 «Сиз яратган боғ».
19.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
20.00—20.30 «Хайрли кун,
фильм.
20.45 М. Шолохов. «Очилган
рик». Романдан парчалар
21.30 «Время».
22.05 «Кутилмаган меҳмон»
дий фильм.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Болалар учун фильм
пич».
18.20 «Ўқувчилар бригадаси
19.00 «Биз — ватанпарвар
националистлармиз» (рус
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Тонг куйчиси».
учун мультфильм.
20.10 «Зулфия ҳақида сўз
бий кўрсатув.
20.30 «Ахборот».
20.50 М. Қорнёқубов номли
бек Давлат филармония
солистларининг концерти
21.30 «Время».
22.05 «Экиш мавсуми кунда
22.25 «Зулматни тарк этиб
дий фильм (Абдулла
рий туғилган кунининг 90
лигига).
23.50 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—16.25 МТII
18.10 Кўрсатувлар программ
18.15 Ўқув программаси.
18.45 Телевизион театр.
суорси. «Ака-укалар»
рорий).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Ўқув программаси.
20.50 Ўқув программаси (рус
21.30 МТ II

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ
ДАВЛАТ АКАДЕМИК
ТЕАТРИДА — 10/IV
рон, 11/IV да Шекспир
ри асосида балет
12/IV да Дон Карлос.
ҲАМЗА НОМЛИ
ДАВЛАТ АКАДЕМИК
ТЕАТРИДА — 10/IV
линлар қўзғолони,
Зебуннисо, 12/IV да
МУҚИМИЙ НОМЛИ
ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ
РИДА — 9/IV да Хотин
эри, 11/IV да Гулсара,
Хизматингизга тайёрмиз

ЦИРК

Тошкент давлат цирки
Совет цирки усталари
«Сабан тўйи» аттракцион
томошалари (19.30).

КИНО

9, 10 АПРЕЛДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР
«ҚОТИЛ УЧУН ҚОРА
ҚОБ» — Санъат саройи
зал, 11, 13, 17, 19, 20.30
лефон 44-21-74), Москва
соатларда, телефон 33-
ВЛКСМ 30 йиллиги
(жуфт соатларда, те
33-44-52), Чайка (жуфт
ларда, телефон 77-06-20
«ЁЛҒИЗЛАР ЁТОҚ
БИЛАН ТАЪМИНЛАН
ЛАР» — Ватан (жуфт
ларда), Қозоғистон (жуфт
ларда, телефон 35-
Ўзбекистон ССР 25
номли (тоқ соатларда, те
53-65-87), Тинчлик (жуфт
атларда, телефон 56-
Восток (жуфт соатларда
лефон 91-14-61), Санъ
ройи (11, 13, 15, 17, 19.
«ҚОРАШАҚШАҚЛА
РИ» — Тошкент Совет
50 йиллиги номли (жуфт
ларда, телефон 78-47-
зоғистон (тоқ соатларда
фон 96-34-02), К.
номли (тоқ соатларда
24-22-66).
«СЕНИНГ ФРОНТИНГ
ЕР» — Искра (жуфт соат
да, телефон 39-14-59).
«КНЯГИНЯ ОЛЬГА ҲА
ДА АФСОНА» — Ҳамза
ли (11, 13.30, 16, 18.30,
телефон 91-10-51).

11 АПРЕЛДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР
«ҚОТИЛ УЧУН ҚОРА
ҚОБ» — Санъат саройи
зал, 11, 13, 15, 17, 19, 20.
фон 44-21-74), Чайка
соатларда телефон 77-
Москва (тоқ соатларда
фон 33-05-01), ВЛКСМ
йиллиги (жуфт соатларда
лефон 33-44-52).
«ЁЛҒИЗЛАР ЁТОҚ
БИЛАН ТАЪМИНЛАН
ЛАР» — Ватан (жуфт
ларда), Қозоғистон (жуфт
ларда, телефон 35-
Ўзбекистон ССР 25
номли (тоқ соатларда,
53-65-87), Тинчлик (жуфт
атларда, телефон 56-
Восток (жуфт соатларда
лефон 91-14-61). Санъат
ройи (кичик зал, 11, 13,
17, 19.30).
«СЕНИНГ ФРОНТИНГ
ЕР» — Искра (жуфт соат
да, телефон 39-14-59).
«КНЯГИНЯ ОЛЬГА ҲА
ДА АФСОНА» — Ҳамза
ли (11, 13.30, 16, 18.30,
телефон 91-10-51).

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ
ТОШКЕНТ
МЕТРОПОЛИТЕНИ
МЕТРОПОЛИТЕН
электропоездларининг
МАШИНИСТЛАРИНИ
ТАЙЁРЛАЙДИГАН
6,5 ОЙЛИК КУРСЛАР

ҚАБУЛ
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ЛОКОМОТИВ БОШ
РИШ ҲУҚУҚИГА
БЎЛГАН ШАХСЛАР
БУЛ ҚИЛИНАДИ.
Машғулотлар 1984
март-апрель ойларида
ланади.
Мурожаат учун
Тошкент шаҳри, 27-алоқа
лими, Шароф Рашидов
пекти, 93«а» уй (метро
«Халқлар дўстлиги»
цияси).

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»
(«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)
—орган Ташкентского горкома КП
Узбекистана и Ташгорсовета
ВИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот—33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик — 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари— 33-90-50.
9 АПРЕЛЬ, 1984 й. Р—12187. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12